

ИШОНСН

ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 12 май куни амалий ташриф билан Россия Федерациясининг Сочи шаҳрида бўлди

Россия Президентининг «Бочаров ручей» қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди. Унда икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Владимир Путин Ўзбекистон раҳбарини Россияга ташрифи билан қутлаб, ўзаро муносабатлар изчил ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. — Куни кеча Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги қонунга имзо чекдим, — деди Россия Президенти. — Бу билан ўзаро ҳамкорлигимизнинг сифат жиҳатдан мураккаб янги босқичи расмийлаштирилди.

Владимир Путин Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар ҳар томонлама ривожланиб бораётганини, жумладан, савдо-иқтисодий ҳамкорлик кенгайтирилганини таъкидлади. Мазкур учрашув икки томонлама алоқаларга, Марказий Осиё минтақасидаги вазиятга доир масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қўлай имконият эканлигини қайд этди.

— Россияга ташрифингиз икки томон учун ҳам фойдали бўлишига ишончим комил, — деди Владимир Путин.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов тақлиф учун Владимир Путинга миннатдорлик билдириб, Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома муҳим тарихий аҳамиятга эга ҳужжат эканлигини таъкидлади.

— Ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг янги имкониятларини очишга хизмат қиладиган бу ҳужжат минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг зарур кафолатларини яратди, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Алоқаларимиз суръати ошиб борапти. Жорий йилнинг биринчи чорагида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 24,5 фоиз орди. Айна пайтда бу суръатни янада ошириш имкониятлари кўп эканлигини ҳам таъкидламоқчиман.

Ислон Каримов энергетика соҳаси бутун дунёда ҳар томонлама долзарб аҳамият касб этаётганлигини ва томонлар бу йўналишда самарали ҳамкорлик қилиб келаётганини қайд этди. Учрашувда Ўзбекистонда давом этаётган кенг қўламли хусусийлаштириш жараёнига эътибор қаратилди.

— Баъзи давлатларда асосий объектлар сотиб бўлинган, — деди Ўзбекистон Президенти. — Ўзбекистон бу борада шошма-шошарликка йўл қўймади. Россия компаниялари биздаги хусусийлаштириш жараёнларида фаол иштирок этиш имкониятига эга.

Музокарада хавфсизлик масалалари, хусусан, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш муаммолари атрофида муҳокама

қилинди.

— Хавфсизликни таъминлаш масаласи долзарб аҳамиятга эга бўлиб бораёпти, — деди Ислон Каримов. — Бу юзага келаётган муаммоларни ҳамкорликда ҳал қилишни, таҳдидларнинг олдини олиш учун тезкор ҳаракат қилишни тақозо этмоқда. Марказий Осиёда бу минтақага дахл бўлмаган кучлар ҳукм юритишга интиляпти. Бугунги учрашув ана шу масалалар, шунингдек, минтақада интеграцияни кучайтириш юзасидан фикр алмашиш учун яхши имкониятдир.

Мамлакатимиз раҳбари Россия Президентининг мамлакат Федерал мажлисига бу йилги мурожаатига тўхталиб, у бой мазмунга эга эканлигини қайд этди.

Президент Ислон Каримов 9 май куни Тошкендаги Хотира майдонида журналистлар билан суҳбатда Ўзбекистон билан Россия ўртасида тузилган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилишини таъкидлади. Бу ҳужжат икки мамлакат манфаатларига хизмат қиладиган, у тинч ва осуда ҳаётнинг кафолати бўлиб, келажакка ишонч билан қараш имконини беради.

Президент Ислон Каримов жорий йил 6 март куни «Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини имзолади. Сочи учрашуви арафасида Владимир Путин бу ҳужжатнинг Россия томонидан ратификация қилиниши тўғрисидаги қонунни имзолади. Энди шартнома тўлиқ кучга кирди.

Таъкидламоқ жоизки, мазкур шартнома ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини таъминловчи асосий ҳужжатдир. Унда ташқи хавф юзага келганда ўзаро ёрдам кўрсатиш билан бирга, халқаро майдонда ҳамкорликни ривожлантириш, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий-маданий ва бошқа соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш масалалари кўзда тутилган.

Ҳозирги воқеликка назар ташлайдиган бўлсак, Марказий Осиёда ва минтақамиз тевадарида кечаётган жараёнлар хавфсизлик ва барқарорликни, кўп томонлама асосдаги сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашни тақозо этаётгани аён бўлади. Шу жиҳатдан мазкур шартнома Ўзбекистон учун катта аҳамиятга эга. Шунингдек, мамлакатимиз ташқи сиёсатида Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон ва Покистон билан ҳам шундай алоқаларни ривожлан-

тиришга алоҳида эътибор берилаётгани ялпи хавфсизлик ва барқарорликка эришиш йўлидаги интилишларимиздан далолатдир.

Айна пайтда шартнома Россия учун ҳам гоёт муҳим ҳужжатдир. У икки томонлама ҳамкорлик негизда Россиянинг жанубий сарҳадлари хавфсизлигини таъминлашга ҳам хизмат қиладиган.

Мухтасар айтганда, глобаллашув шароитида бундай шартнома тинчлик ва барқарорликнинг мустаҳкамлашиши ва таҳдидларнинг олди олинишини, шу билан бирга, ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришни таъмин этади.

Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома расман энди кучга кирган бўлишига қарамай, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик бу ҳужжатдаги тамойиллар асосида изчил тараққий эта бошлаганига анча бўлди. Масалан, биргина энергетика соҳасидаги ҳамкорлик доирасида 2,5 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi сармоя ўзлаштирилмоқда.

Яқинда «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти билан Россиянинг «Техноспецсталь инжиниринг» (Санкт-Петербург) компанияси ўртасида савдо шартномаси имзоланди. У 2008 йилга қадар Россия томонига 30 донга Ил-114 русумли самолёт етказиб беришни назарда тутди.

Ўзбекистон ва Россия ижтимоий соҳада ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Фан-таълим, тиббиёт, маданият ва санъат, турли бошқа йўналишларда алоқалар фаоллашмоқда. Хукуматлар, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, ишбилармонларнинг ҳамкорлиги изчил ривожланмоқда. Сўнгги беш-олти ой мобайнида Россия Федерациясидан Ўзбекистонга 15 расмий делегация ташриф буюргани диққатга сазовордир. Жумладан, Россия Федерацияси Федерал мажлисининг Давлат думаси раиси Борис Гризлов ва Федерация кенгаши раиси Сергей Миронов юртимизда бўлди. Ўтган ҳафта эса Россия ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Дмитрий Медведев Ўзбекистонга ташриф буюрди.

Ислон Каримов билан Владимир Путиннинг бу галги учрашувида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг расман кучга кириши муҳим тарихий воқеа эканлиги алоҳида таъкидланди. Президентлар қайд этганидек, мамлакатларимиз ўзаро ҳамкорликни энг ишончли ва энг олий даражага кўтарди. Ўтган йилнинг ноябрида имзоланган бу ҳужжат қисқа муддатда икки томонда ҳам ратификация қилингани Ўзбекистон ва Россиянинг ўзаро муносабатларни кенг қўламли ривожлантириш борасидаги азму шижоатидан далолатдир.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус муҳбири,
Тошкент-Сочи-Тошкент.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида

Иқтисодиётнинг етакчи, энг аввало базавий тармоқларини модернизациялаш ва техникавий қайта қуроллантириш лойиҳалари амалга оширилишини таъминлаш, мамлакатни муттасил, барқарор ва мутаносиб равишда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эришиш, шунингдек самарали таркибий ва инвестициявий сиёсатни амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Марказий банкнинг устав сармояси 1,0 млрд. АҚШ доллари миқдорида бўлган Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини (кейинги ўринларда - Жамғарма деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

(Давоми 2-бетда)

КАСАНАЧИЛАРГА ҚУЛАЙ ШАРОИТ ДАРҚОР

3-бет



8-бет

УЙЎҚ ҚАЛБЛАРДАГИ БЕЗОВТА БИР ДАРД

КУМУШДЕК ИБОЛИ, РАЪНОДЕК ЗУККО ўз қахрамонимиз бўлсин

10-бет



TV
5-8-бетлар

O'ZBEKISTON	ПЕРВЫЙ
YOSHLAR	РОССИЯ
TOSHKENT	ТВ-3
SPORT-TV	СТС

9-бет

ХИКОЯ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида

(Боши 1-бетда)

2. Куйидагилар белгилансин: Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда ташкил этилади ва юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлади; 1-иловага мувофиқ субъектлар Жамғарма муассислари ҳисобланадилар.

3. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Жамғарма тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, бунда Жамғарма куйидагиларни амалга ошириши зарурлиги назарда тутилсин:

давлат ва ҳўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан тижорат банклари, хорижий жамғарма ва инвесторлар ҳамда бошқа манфаатдор тузилмаларнинг молиявий маблағларини жамлаш;

иқтисодий ривожлантириш, ишлаб чиқаришни таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва модернизация қилиш борасида устувор вазифаларни амалга ошириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган гоёт муҳим лойиҳаларни молиялаштириш; стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган корхоналар, аввало иқтисодийнинг базавий тармоқлари корхоналарини янгилаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини кредитлаш;

ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати, машинасозлик ва рангли металлургия тармоқларини техникавий қайта қуроллантиришга ҳамда ишлаб чиқариш суръатлари ва ҳажмларини оширишга йўналтирилган лойиҳалар молиялаштирилишини таъминлаш;

биринчи навбатда истиқбол-

ли, аммо етарлича ривожланмаган ҳудудларда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш бўйича ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли миллий давлат дастурлари ва лойиҳалари амалга оширилишини молиялаштириш;

республиканинг халқаро коммуникациялар тармоғига интеграциялашуви учун шарт-шароитлар яратадиган, халқаро транспорт йўлақлари ва жаҳон бозорларига энг қисқа йўл билан чиқишни таъминлайдиган транспорт ҳамда телекоммуникациялар инфратузилмасини модернизациялаш ва ривожлантиришни молиялаштириш;

халқаро молия институтлари, республика ва хорижий мамлакатларнинг кредит муассасалари билан лойиҳаларнинг қўшма молиялаштирилишини ташкил этишни таъминлаш.

4. Белгилансинки, Ўзбекистон ҳудудида ўзлари учун гоёт муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш (қўшма молиялаштириш)дан манфаатдор бўлган халқаро ва хорижий жамғармалар ҳамда инвесторлар Ҳукумат қарорларига биноан Жамғарма ҳаммуассислари сифатида қўшилиши, мазкур молия институтларининг вакиллари Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш таркибига киритилиши мумкин.

5. Куйидагилар Жамғармани шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

стратегик ресурсларга жаҳон нархларининг қулай конъюнктураси натижасида, шунингдек

ҳўжалик юритувчи субъектлардан олинандиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан навбатдаги йилга Давлат бюджетини тасдиқлаш чоғида белгиланандиган айрим солиқ ва тўлов турлари бўйича ҳосил бўладиган қўшимча тушумлар;

Ҳукуматнинг хорижий валютадаги активларининг бир қисми;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий шериклар билан маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимлари доирасида маҳсулотни сотишдан оладиган даромадлари; давлат мулкни хорижий инвесторларга чет эл валютасига сотишда Давлат бюджети даромадлари режасидан ортиқча тушадиган маблағлар;

Жамғарма активларини бошқаришдан олинандиган инвестиция даромадлари;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушум ва даромадлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2006-2009 йиллар мобайнида Жамғарманинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги ҳисобварағида Жамғарма активларини 1,0 млрд. АҚШ доллари миқдоридида шакллантиришни таъминласин.

7. Белгилансинки, Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш Жамғарманинг юқори бошқарув органи ҳисобланади.

Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Куйидагилар Жамғармани бошқариш бўйича Кенгашнинг асосий вазифалари ва функциялари этиб белгилансин:

Жамғарма фаолиятининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш;

Жамғармага маблағлар келиб тушиши ва улардан фойдаланиш прогнозларини кўриб чиқиш ҳамда уларни навбатдаги йилга мўлжалланган макроиқтисодий ва пул-кредит кўрсаткичлари, Давлат бюджети ҳамда Давлат инвестиция дастурининг асосий параметрлари билан боғлиқ ҳолда белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритиш;

қарз олган корхоналарни қайта молиялаштириш (қўшма молиялаштириш) учун тижорат банкларига Жамғарма маблағларини бериш муддатлари ва шартлари бўйича қарорлар қабул қилиш, халқаро сармоя бозорларида амал қилаётган фоиз ставкаларидан келиб чиқиб Жамғарма томонидан берилган маблағлар бўйича фоиз ставкаларининг аниқ миқдорларини тасдиқлаш;

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, тижорат банкларига молиялаштиришни тўлиқ ва ўз вақтида очиш ҳамда тижорат банкларига берилган маблағларнинг қайтарилишини таъминлаш устувор назоратни амалга ошириш;

Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши тўғрисида Жамғарма ижроия дирекциясининг

ҳамда қарз олган корхоналар томонидан Жамғарма маблағларининг самарали фойдаланилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиб бориш.

8. Жамғарма солиқлар, йиғимлар, божларнинг барча турларидан ҳамда давлатнинг мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларидан озод қилинсин, яғна ижтимоий тўлов бундан мустасно.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки ва Иқтисодий вазирлиги бир ҳафта муддатда белгиланган тартибда Жамғарма фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор лойиҳасини тасдиқлаш учун киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 11 май

Жорий йилнинг 11 майида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Бундай Жамғармани шакллантиришнинг зарурати нимага пайдо бўлди? Биринчидан, кейинги йилларда бозор ислохотларини амалга ошириш ва иқтисодий либераллаштириш натижасида мамлакатимиз иқтисодий тараққиётнинг юксак суръатларига эришди. 2005 йилда ялпи ички маҳсулот 7%, саноат ишлаб чиқариши -7,3%, истеъмол товарлари ишлаб чиқариши -17,7% кўпайди.

Иқтисодий тизимли ва изчил таркибий янгилаш, иқтисодий ўсишнинг лоқомоти бўлиши лозим бўлган соҳалар, тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш истиқболли барқарор иқтисодий тараққиётнинг мустаҳкам пойдеворини яратмоқда.

Иккинчидан, республикада мамлакат фаровонлиги йўлида ҳали тўлиқ фойдаланилмаётган гоёт катта салоҳият мавжуд. Энг аввало бу Ўзбекистон эга бўлган минерал хомашёнинг бой захираларига тааллуқлидир.

Мамлакатимизда табиий газнинг умумий ресурслари 7,8 трлн.куб метрни, нефть ва конденсат ресурслари эса салкам 1 млн.тоннани ташкил этади. Айни чоғда республиканинг нефть ва газ мавжуд бўлган ҳудудларини ўрганиб чиқиш даражаси фақат 28,2% ни, истиқболли Устюрт ва Сурхондарё ҳудудлари бўйича эса атиги 7-8% ни ташкил қилади.

Умуман олганда, республикадаги фойдали қазилма ресурслари қарийб 11 трлн. АҚШ доллари миқдоридида баҳоланмоқда, шулардан қидириб топилганлари атиги 17% ни ташкил этади. Мамлакатимизнинг ер бағри углеводородлар билан бир қаторда мис, уран, фосфоритлар, нодир ва қимматбаҳо металлларга бой. Республика мазкур салоҳиятни рўёбга чиқариш учун замонавий технологиялар асосида хомашёни қидириш, қазиб олиш ва қайта ишлаш учун кенг миқёсда инвестицияларга муҳтождир.

Учинчидан, Ўзбекистоннинг жаҳон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонига ШАРҲ

иқтисодий тизимига интеграциялашуви таъминлаш, ўзбек товарларининг жаҳон бозорларига кириб боришини кенгайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш айниқса истиқболли, аммо ҳозирги вақтда етарлича ривожланмаган ҳудудларда транспорт коммуникациялари, замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма жадал ривожлантирилишини тақозо этмоқдаки, буларсиз мазкур минтақаларга зарур инвестицияларни жалб этиш мушкул бўлади.

Тўртинчидан, мавжуд хомашё салоҳиятини комплекс равишда чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш гоёт муҳим вазифа ҳисобланади. Ўзбекистон дунёда пахта етиштирувчи ва экспорт қилувчи энг катта давлатлардан бири эканлигини эътиборга олганда, тўқимачилик саноатини ўзига хос бир мисол сифатида келтириш мумкин. Пахта хомашёсини чуқур қайта ишлаш ҳисобининг ўзигагина тўқимачилик саноатига сарфланган ҳар бир долларга қўшимча равишда 7 долларлик маҳсулот олиш мумкин.

Бешинчидан, юксак технологияларни ривожлантириш ва уларни аввало ахборот-коммуникация соҳасида ишлаб чиқаришга амалда жорий этиш жиддий эътиборни талаб қилади. Бугунги кунда иқтисодийнинг ҳеч бир тармоғи ишлаб чиқариш самарадорлигини янги даражага кўтариш ва маҳсулотнинг ра-

қобатдошлигини оширишга ёрдам берувчи замонавий ахборот технологияларини қўлламасдан фаолият кўрсата олмайди.

Ва, албатта, ижтимоий аҳамиятга молик умуммиллий дастурлар ва лойиҳалар - Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш каби ва бошқа тадбирларни амалга ошириш алоҳида устувор йўналишлардан ҳисобланади. Уларнинг амалга оширилишини таъминлаш салмоқли инвестицияларни талаб этади. Ҳозирги дунёда инсон манфаати йўлида сармоя сарфлаш инвестициянинг энг самарали турларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган мана шу устувор вазифаларни амалга ошириш талайгина ресурсларни сафарбар қилишни, катта сармояга эга Жамғармани ташкил қилишни тақозо этади. Шу боисдан Жамғарманинг устив сармоясини 1 млрд. АҚШ доллари миқдоридида шакллантириш мўлжалланди.

Шуни қайд этиш керакки, иқтисодий салоҳият мустаҳкамланиши ва охириги йилларда стратегик вазифаларни ҳал этиш учун зарур ҳамда етарлича ресурслар жамланиши туфайли Жамғармани ташкил этишга имконият яратилди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон энг аввало базавий тармоқларни ривожлантириш, модернизациялаш ва рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлашнинг инвестициялаш учун етарли ресурсларга эгадир. Жамғарманинг ташкил этилиши иқтисодий ривожлантиришда, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш ва модернизациялаштиришда устувор вазифаларни амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган тармоқларни ривожлантириш учун зарур молиявий ресурсларни жамлаш имконини беради. Бунга, аввало, ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати, машинасозлик, рангли металлургия, тўқимачилик саноати, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқлари қиради.

Зарур молиявий ресурсларни ва самарали инвестиция лойиҳаларининг малакали экспертиза қилинишини таъминлай оладиган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва республиканинг энг катта тижорат банклари Жамғармани таъсис этувчилар ҳисобланади. Уларнинг орасида Ташки иқтисодий фаолият миллий банки, «Асака» банки, «Ўзсаноатқурилишбанк» ва бошқалар бор.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, Жамғарма Ўзбекистон ҳудудидида гоёт муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш (қўшма молиялаштириш)дан манфаатдор бўлган халқаро ва хорижий жамғармалар ҳамда инвесторларни ҳаммуассислар сифатида жалб этиш учун очикдир.

Жамғармага юклатилган вазифаларни амалга оширишни таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳукуматиға уни таъсис этиш, ташкилий жиҳатдан барпо этиш, бошқарув органларини тузиш билан боғлиқ амалий масалаларни жуда қисқа муддатларда ҳал қилиш, Жамғарма тўғрисидаги Низомни тайёрлаш ва тасдиқлаш, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатларнинг худди шундай жамғармалари фаолиятида тўпланган тажрибадан келиб чиққан ҳолда, зарур норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш топширилди.

Фармон ва ижро

Давлатимиз раҳбарининг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони юртимизнинг жанубида жойлашган Сурхондарё вилоятида яшаб меҳнат қилаётган ҳамда касаначилик билан шуғулланаётганларни қувонтирди.

Фаолиятнинг айнан шу тури билан банд бўлган кишилар эндиликда имкониятлари янада кенгайтириши ва ўзларига қатор имтиёзлар берилишини мамнунлик билан қабул қилмоқдалар. Вилоятда касаначиликнинг аҳоли ва шу иш билан банд бўлган аҳолига яратилган шароитлар, уларни ўйлантираётган муаммоларни билиш ниятида Жарқўрғон туманида бўлди. Мавзуга айнан шу ерни танлаганимиз бежиз эмас. Чунки Жарқўрғон воҳанинг саноати ривожланган туманларидан бири ҳисобланади. Анчадан бери фаолият кўрсатиб келаятган ип-йигирув фабрикаси негизда охириги йилларда "Сурхонтекстиль" ҳиссадорлик жамияти барпо этилди. "Алпомиш" кўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг довуғи бугун нафақат вилоятда, балки кўшни Афғонистон ва Тожикистон мамлакатларига ҳам етган. Бундан ташқари воҳада азалдан маълум "Жарқўрғоннефт" бошқармаси ва шу бошқарма қошида очилган Ўзбекистон-Россия кўшма корхонаси, шунингдек, "Жарқўрғонпахта", "Жарқўрғон тола базаси" сингари саноат корхоналари мавжудки, бу айнан Фармонда кўзда тутилганидек йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқаришни кенгайтириш имконини яратади.

Ана шу саноат корхоналарида касаначилик намунали йўлга қўйилган бўлса керак, деган фикрда эдик. Афсуски... бундай бўлмади. "Жарқўрғонпахта" ҳиссадорлик жамияти раҳбари Панжи Бобомуродов бу борада ҳозиргача ажойиб бир иш қилинмаганини, касаначиликка оид баъзи бир ишларни энди режалаштираётганини яширмади. "Сурхонтекстиль" ҳиссадорлик жамиятидагилар ҳам худди шунга ўхшаш режалари борлигини айтишди, холос.

Гарчанд Жарқўрғондаги йирик саноат корхоналари жамоалари билан касаначилар ҳамкорлик қилишмаётган, улар билан шартнома асосида ишламаётган бўлсада, туманда касаначилар йўқ деган хулосага бормаслик керак. Яқка тартибда касаначилик билан шуғулланиб, рўзгорини бекаму кўст тебратаятган, ўз меҳнати туфайли одамларга, жамиятга нафи тегаётган шахслар сони анча. Хусусан, Жарқўрғонда хунарманд касаначиларнинг 45 нафари "Хунарманд" уюшмасига бирлашиб, меҳнат қилишга шай. Уларнинг бир қисми миллий сандиқлар, бешиклар ясаш билан банд. Касаначиларнинг кўпчилиги ёғоч, тош ўймакорлиги санъатини пухта эгаллаган. Уй-рўзгор буюмлари, дўппи ва чопон тикаётган, зардўзлик, каштачилик билан машғуллар ҳам сон-саноксиз.

Бу ерда кўпчилик, айниқса қишлоқ аҳли уста касаначи Рустам Саидовни яхши билишади. Чунки унинг темирчилик устахонасида кетмон, белкурак, паншоха, оташкурак, ер тирнагич, от-эшак абзаллари, ўроқ, пичоқ, капгир, болта, чорва солларига занжир, қозик сингари ўндан

зиёд уй-рўзгор буюмлари тайёрланади. Рустам ақлини танибдики, шу касб билан банд. Йиллар мобайнида Усмон Рўзikuлов, Шерали Шохоев каби ўнлаб шогирдлари ҳам камолга етказди. Унга бу касб бегона эмас. Чунки унинг отаси Ша-

гурта олиш ҳуқуқига эга бўларкан. Агар "Хунарманд" уюшмаси ихтиёрига ер ажратиб берилса, бу биз учун энг катта ғамхўрлик ва имтиёз бўларди. Ана шу заминда барча хунарманд-касаначилар бирлашиб терак, тол, арча, ёнғоқ ва бошқа ёғочбоп дарахт кўчатлари экардик. Узоғи билан уч-тўрт йил орасида дастабоп ёғочлар ўзимиздан чиқарди.

Кўпгина касаначи усталарнинг дастгоҳи асосан электр энергия билан ишлайди. Лекин туманда электр энергияси таъминотидаги чеклашлар уларни соатлаб ишсиз

тайёрлаймиз, — дея суҳбатни давом эттиради Рустам Жўраев. — Чунки бешик ясаш анча серташвиш иш. Фақат тол, терак керак. Бошқа хилдаги ёғочлардан бешик чиқмайди. Бешикни бозорда нари борса 4,5-5 минг сўмга сотамиз. Ўзим ва укаларим кўлидан ёғоч-тахтадан ҳамма нарса ясаш келади. Бироқ ҳозир терак, тол дарахтлари анча камчил бўлиб бораётгани учун нархи қимматлашапти. Бу эса биз ясаётган рўзгор буюмларининг таннарига ўз таъсирини ўтказмоқда. Аввал 4-5 метрлик бир теракни 1-1,5 минг сўмга харид қил-

сифатли ёғоч-тахта, ҳар хил бўёқлар, турли ҳажмдаги миҳ зарур бўлади, — дейди Рашид Эшмуродов. — Лекин охириги пайтда бизнинг ишимиз ҳам силлиққина кетаётгани йўқ. Тунука, ёғоч-тахта ва миҳнинг нархи фалон пулга чиқди. Ҳозир бизда бир страпилани 10 минг сўмдан камига беришмайди. Шунинг учун биз касаначиларга банклардан кам фоизли кредитлар ажратиш жорий этилса, бозорларимизни ранг-баранг буюмлар билан тўлдиршига ўз ҳиссамизни қўшган бўлардик. Иккинчи бир муаммо шуки, маблағ топиб, узокдан кўпроқ ёғоч, тулука олиб келадиган бўлсак, йўлда ички ишлар ва солиқ ходимлари тўхтатиб, "қаердан келтираялсан, ҳужжати қани?" деб суриштираверади. Шунинг учун касаначиларга олисдан маҳсулотлар келтиришга рухсатнома бериш тартибини ўйлаб кўриш зарур, шекилли. Охириги пайтда яна бир муаммога дуч келаяпмиз. Электр энергияси таъминотидаги чеклашлар туфайли соатлаб ишсиз ўтиришга мажбур бўлаяпмиз...


— Хунармандлар, қосиблар ва ҳар хил маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тадбиркор касаначилар бизнинг Сурхондарёга нисбатан водий томонда кўпроқ, — суҳбатга яқун ясайди туман "Хунарманд" уюшмаси мутахассиси Абраҳмат Тожиев. — Ҳар йили Фарғона, Андижондан биз томонга кўп хунармандлар келади. Мисол учун мана бир йилдирик, андижонлик биродарларимиз Худойберди Турғунов шогирдлари билан Жарқўрғонга келиб, ижарада яшаб юмшоқ мебеллар тайёрлашапти. Улар ясаётган буюмларга харидор етарли. Водийдан келаятган шундай хунармандларга Жарқўрғонда шароит яратиб берсак, уларнинг ёнига маҳаллий ёшларни қўйиб ишлатсак, бекор юрган кўп йигитлар аввало хунар ўрганишади. Уша хунармандлар ўз юртларига кетган тақдирда ҳам маҳаллий ёшлардан кўпчилиги уларнинг хунарини эгаллашади-ку. Масалан, туманимиз марказидаги «8 март» кинотеатр биноси анчадан буён бўш турибди. Шу бинонинг фойеида дўконлар очиб, касаначи хунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар савдоси ташкил этилса яхши бўларди.

Юқорида таъкидланганидек, худудда касаначилик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларнинг 45 нафари туман "Хунарманд" уюшмасига бирлашиб, меҳнат қилишга шай. Ваҳоланки, ҳисоб-китоб олинса, касаначилар сони икки қарра кўплиги ойдинлашади. Хунармандлар уюшмага энг кам иш ҳақининг икки барабари миқдорда аъзолик бадали тўлашади. Аммо уюшманинг касаначиларга ёрдами сезилмапти.

Кўриниб турибдики, хонадон шароитида касаначилик билан шуғулланаётган шахсларнинг қайси бири билан суҳбатлашмайлик, улар электр энергияси таъминотидаги чекловлар, таъминот масаласидаги муаммолар ҳақида ўз фикрларини баён этишди. Агар шу тўсиқлар бартараф этилса, хонадон шароитида фойдали меҳнат билан банд касаначилар кўпроқ маҳсулот тайёрлаб, ички бозоримизни халқ истеъмол моллари билан тўлдиршига янада кўпроқ улуш қўшган бўлардилар.

Рустам ДАВЛАТ,
Усмонали НОРМАТОВ

КАСАНАЧИЛАРГА ҚУЛАЙ ШАРОИТ ДАРКОР



риф бобо ҳам узок йил шу иш билан шуғулланиб, элнинг назарига тушган эди.

Дўконимизга келганларнинг буюртмасини тез ва сифатли тайёрлаш чорасини кўраёпмиз, — дейди Рустам. — Бироқ йил сайин хомашё топиш муаммо бўлиб бораёпти. Масалан, биров белкурак ясаб бер, деб келади. Аммо темир йўқ. Ўзлари топиб келишса белкурак ҳам, кетмон ҳам ясаб берамиз, бўлмасам йўқ. Эски кетмонларни дасталаш учун ҳам дастабоп ёғочлар топиш йил сайин қийин бўлиб бораёпти. Хунармандчилик билан шуғулланиб турганимиз учун тумандаги "Хунарманд" уюшмасига аъзолик бадали тўлаймиз. Лекин унинг бизга берадиган ҳеч вақоси йўқ. Мамлакатимиз раҳбарининг касаначиликни ривожлантириш бўйича чиқарган Фармонида бизларга бир неча имтиёзлар берилиши таъкидланган. Хусусан, касаначиларга меҳнат дафтара чилиб, келгусида пенсия ва ижтимоий су-

ўтиришга мажбур қилмоқда.

Ҳар бир ўзбек хонадонига бешик керак. Жарқўрғонда азал-азалдан бешиксозлик билан шуғулланиб келаятган, шу хунарлари ортидан нон ва обрў топаётган касаначилар кўп. Марҳум Жума бобо Жўраев бир умр бешиксозлик билан кун кечирганини ҳамма эслайди. Энди марҳум Жума бобонинг фарзандлари — Рустам, Зокир, Комил, Аъзамлар ота касбини давом эттиришмоқда. Жўраевлар сулоласи хонадон шароитида касаначилик билан шуғулланиб, фақат бешик тайёрлаш билан чегараланишмайди. Улар ёғоч-тахтадан товоқ, чўмич, қошиқ, нонлар, ўқлов, тахтача, гилам тўқийдиган ўрақлар, сут, қатиқ пиштадиган қуви, болалар учун аравачалар, тор, дўмбира, тахта кроватлар ва сўрилар учун нақшинкор суянчиқлар, ғалвир, чигир, элак каби кундалик турмушда зарур буюмлар ҳам ясашади.

— Оиламиз аъзолари жам бўлсак, кунда аранг бир бешик

ган бўлсак, энди эгалари 5 минг сўмдан камига сотишмайди. Шунинг учун биз хунарманд-касаначилар аъзо бўлган "Хунарманд" уюшмаси тасарруфига ер берилса, қишлоққа қишлоқ юриб, ёғочбоп материаллар излаш ташвишидан қутуламиз ва ясаётган маҳсулотларимиз баҳоси анча арзонлашади.

Жарқўрғонда уйда ўтириб сандиқсозлик билан шуғулланадиган касаначилар маҳалласи бор. Улар сандиқ, хонтахта ва бошқа уй-рўзгор буюмлари тайёрлашмоқда. Сандиқсозлар маҳалласига қадам ранжида қилганимизда, бизга касаначи Рашид Эшмуродов пешвоз чиқди. Унча катта бўлмаган ҳовлида ҳар хил ҳажмдаги ёғоч, терак, ўрик, ёнғоқ, туғдона кундалари, ёғоч-тахта бўлақлари уюлиб турибди. Бир хонада сандиқсоз устанинг фарзандлари ёғоч кешиш ускуналарини ишлатиб, тахта ва кундалардан ҳар хил ҳажмдаги тахтачалар тайёрлашапти.

— Сандиқ ясаш учун аввало

Интернет

хабарномасидан

АҚШ РОССИЯНИНГ

Бутунжаҳон савдо ташкилотига киришига ҳалақит бериши мумкин

Америка Қўшма Штатларининг бир неча конгрессменларининг фикрича Россия Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишга ҳали тайёр эмас. Сенаторларнинг Ж.Бушга ёзган хатида Америкадан келадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларига Россия бозорини очиб бериши кераклиги айтилган. Шундагина ушбу мамлакатнинг юқоридаги ташкилотга киришини улар қўллаб-қувватлаши мумкин.

Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш учун унинг қонун-қоидаларига тўла риоя қилиниши керак. Афсуски, Россия бу ишнинг уддасидан чиқмади, дея фикр билдиришади конгрессменлар. Масалан, бу ерда сотилаётган аудио ва видео кассеталарнинг 70 фоизи Океан ортидан ноқонуний йўллар билан олиб келинган. Бунинг натижасида Америка компаниялари миллиардлаб доллар йўқотмоқда.



ҲАЛОК БЎЛГАНЛАР ОИЛАЛАРИГА ТОВОН ПУЛИ


Россия ҳукумати шу йил 3 май куни "А-320" самолётида ҳалокатга учраган россиялик фуқаролар оилаларининг ҳар бирига 100 минг рубл миқдоридан товон тўлашга қарор қилди. Бу ҳақда Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ривожлантириш вазири Михаил Зурабов хабар қилди. Унинг айтишича, авиаҳалокатда 26 нафар россия фуқароси вафот этган бўлиб, уларнинг 22 нафари Краснодар ўлкасида, қолгани Олтой ўлкаси, Астрахан ва Украинада яшаган.

Бундан ташқари, ҳалокатга учраганларнинг оиласига Краснодар маъмурияти ўз ҳисобидан 500 минг рублдан товон пули тўлайдиган бўлди. Бу маблағни илгари ушбу ўлкада истиқомат қилган марҳумларнинг оилалари олишади.

ЁНҒИННИНГ ОЛДИНИ ОЛГАН АФЗАЛРОҚ

НТВ телекомпаниясининг хабарига қараганда, Россия ўрмонларида ёнғиннинг қамрови кундан-кунга кенгаймоқда. Бугунги кунда у Узоқ Шарк, Урал ва Сибир ўрмонларининг минглаб гектарини ишғол этган.

Энг оғир аҳвол Байкалолди ҳудудида кузатилмоқда. Бу ерда ҳозирнинг ўзида ўнлаб ёнғин ўчоқлари рўйхатга олинган. Метеорологларнинг маълумотига кўра, ушбу ҳудудда ёз иссиқ келади. Бу ўз навбатида ёнғиннинг янада кучайишига олиб келади. Унинг олдини олиш учун ҳудудда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, қишлоқлар атрофи шудгорланди. Ўрмон хўжалиги сув ва бошқа ўт ўчириш асбоб-анжомлари захирасини яратмоқда. Маҳаллий ҳокимият ёнғинга қарши курашиш учун пул йиғишни бошлаб юборди.



НАРКОТИК ТАШИШНИНГ НОАНЪАНАВИЙ УСУЛИ

Аргентиналик жиноятчилар наркотик моддасини ташишда ноанъанавий усулни ўйлаб топди. Улар бу юмушни амалга оширишда ўйноқи мушукчалардан фойдаланишди. Гап шундаки, мушуклар овқатни чайнамасдан ютишар экан. Бундан фойдаланган жиноятчилар марихуана ва кокаин моддаларини мушукнинг қорнига жойлаштирдилар.

Яқинда Аргентина полицияси мушукчаларни ушбу йўналишда қўллаган тўрт жиноятчини қўлга олди. Бу гуруҳ




аъзолари Буэнос-Айрес шаҳри яқинидаги қишлоқлардан бирида истиқомат қилишар экан. Ҳозирда полициячиларга жиноятчилар оғуни қаерга жўнатмоқчи бўлишгани номаълум.

"МАШЪАЛ"ДА — РОССИЯЛИК МУРАББИЙ

Муборакнинг "Машъал" жамоасига россиялик Виктор Кумиков бош мураббий этиб тайинланди. Клуб вице-президенти Баҳром Давлатов бу ҳақда ЎФФ ахборот-таҳлил бўлимига маълум қилган.

Ўз вақтида Россия жамоалари, жумладан, Волгограднинг "Ротор" клубида, шунингдек, Қозоғистон суперлигаси жамоаларида иш олиб борган Кумиков "Машъал" жамоаси билан шу мавсум охиригача шартнома имзолади. Унинг олдига чемпионлик ва кубок баҳсларида голиб чиқиш учун жиддий кураш олиб бориш вазифаси қўйилган. Бундан ташқари, "Машъал" жамоасининг футбол академияси ва мактаб-интернатлардаги спорт ишларини ҳам Виктор Кумиков бошқарадиган бўлди. Агарда мураббий мана шу вазифаларни муваффақиятли уддаласа, у билан узоқ йиллик шартнома имзоланади.

Спорт + футбол



АНГЛИЯДАН — ПОРТУГАЛИЯГА

Англия терма жамоаси бош мураббийи Свен-Ёран Эрикссон жаҳон чемпионати якунлангач, Португалияга йўл олиши мумкинлигини айтган. У "Бенфика" жамоасидан бу ҳақда таклиф олганлигини билдирган.

"Бенфика" швед мутахассисидан ташқари бу мураббий лавозимига италиялик Альберто Заккерони номзодини ҳам кўриб чиқмоқда.

ЖАРОҲАТ ҲАЛАҚИТ БЕРДИ

Спортнинг барча турларида жароҳат спортчининг фаолиятига нуқта қўйиши мумкин. Аслзодалар ўйини теннис ҳам бундан мустасно эмас.


Австралиялик Ллейтон Хьюитт оёғидан олган жароҳати туфайли Гамбург шаҳрида бўлиб ўтиши кутилаётган "Мастерс" туркумига кирувчи халқаро мусобақада қатнашмайдиган бўлди.

НАДАЛЬ — УЧИНЧИ БОСҚИЧДА

Мукофот жамғармаси бир миллион 850 минг евродан иборат бўлган "Мастерс" туркумига кирувчи Римдаги турнирда испаниялик Рафаэл Надаль учинчи bosқичга йўл олди.

Навбатдаги баҳсда у буюк британиялик Тим Хенманни осонлик билан енғди. Ўйин икки сет давом этиб, 6:2, 6:2 ҳисоби билан якунланди. Кейинги bosқичда унинг рақиби Фернандо Гонсалес бўлади.

УЕФА ҚАРОҚЧИЛАРНИ ЖАЗОЛАДИ



Кўҳна қитъанинг энг йирик футбол уюшмаси УЕФА интернет қароқчилари устидан зафар кучди. УЕФА директори Ларс-Кристер Ольссон бу галабани шундай изоҳлаган: "Бу УЕФА ва барча мултиплик ҳуқуқига эга бўлган инсонлар ютуғи саналади. Бу катта галаба. Ноқонуний йўл билан иш тутиш оқибатлари шунақа бўлади".

УЕФА март ойида бир неча интернет сайтлари эгаларини судга берганди. Улар қонунга хилоф равишда ўз сайтлари орқали Чемпионлар лигаси баҳсларини намойиш этганди. Шу иш бўйича чиқарилган суд ҳукмига кўра, интернет қароқчилари катта жаримага тортилиш билан бирга мол-мулки мусодара қилинади.

МАЙК ТАЙСОН ҚЎШИҚ КУЙЛАЙДИ...МИ?

Ўта оғир вазнда собиқ жаҳон чемпиони афсонавий Майк Тайсон Ирландиянинг "Westlife" гуруҳи билан қўшиқ куйлашга аҳд қилди. У бу ҳоқиқини гуруҳ менаджер Луис Уолшга айтган. Тайсон ҳатто овозининг компьютерда кучайтирилишига ҳам қарши эмаслигини билдирган. У гуруҳда Брайан Макфэдден ўрнига куйлайдиган бўлди.

— Бу гуруҳнинг мусикалари Майкка жуда ёқади. Шу боис у гуруҳга қўшилмоқчи. Мен уни менаджер билан таништириб қўйдим. У энди вокалчи сифатида гуруҳда қатнашади, — дейди ирландиялик оғир вазнли боксчи Жо Иган.

Ўз навбатида гуруҳ вакили бу жуда қизиқарли эканлигини, жамоадаги барча қўшиқчилар Тайсоннинг ашаддий мухлиси эканлигини таъкидлаган.

РОССИЯ ЎСМИРЛАРИ — ФИНАЛДА!

Футбол бўйича Люксембургда давом этаётган ўсмирлар ўртасидаги Европа чемпионатида Россия вакиллари финалга йўл олди.

17 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги ушбу чемпионатда Игор Колыванов шогирдлари муваффақиятли тўп сурмоқда. Улар ярим финалда энг кучли саналган германиялик тенгқурларини 1:0 ҳисобида мағлуб этишди. Финалда россиялик ўсмирлар Чехия терма жамоасига қарши тўп суради. Чехлар ярим финалда испанияликларни енғишди. Финал учрашуви 14 май куни бўлиб ўтади.



15-21 май ДАСТУРИ

15 май ДУШАНБА

18.50 "Жди меня".
20.00 "Вести".
20.30 "Спортимиз маликалари".
20.50 "Футбол шарҳи".
21.15 "Тет-а-тет".
21.30 "Хабарлар".
21.50 "Девять месяцев".
22.40 "Проф-РИНГ".
23.30 "Еврофутбол". Испания чемпиони.
1.00 "Тунгиз оуду бўлини".

ПЕРВЫЙ

5.00 Телеканал "Доброе утро"
8.00 Новости
8.05 "Убойная сила". Многосерийный фильм
9.20 "Детективы"
9.50 "Малахов + Малахов"
11.00 Новости
11.10 "Сверхспособности человека"
12.00 "Александровский сад". Многосерийный фильм (с субтитрами)
14.00 Новости (с субтитрами)
14.10 "Лолита. Без комплексов"
15.00 "Федеральный судья"
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.10 "Вне закона". "Погибшая мечта"
17.40 "Любовь как любовь". Многосерийный фильм (S)
18.50 Жди меня
20.00 Время
20.30 Премьера. "Александровский сад". Многосерийный фильм (S)
21.30 "Рабство по контракту". Документальный фильм
22.40 Ночные новости
23.00 Теория вероятности. "Жизнь без секса"
23.50 "Гении и злодеи". "Сердечных дел мастера"
0.20 Орландо Блум в комедии "Парень из кальяна"
1.50 Приключенческий фильм "Воспоминания" (S)
2.00 Новости
2.05 Приключенческий фильм "Воспоминания". Окончание (S)
3.40 "Наполеон". Документальный фильм. 1-я серия
4.00 Новости
4.05 "Наполеон". Окончание

РОССИЯ

4:00 "Доброе утро, Россия!"
7:45 Татьяна Васильева, Елена Великанова, Дмитрий Певцов, Ольга Дроздова, Валерий Гаркалин и Лолита Милявская в фильме "Полса". 2005г.
10:00 ВЕСТИ.
10:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10:50 "Комната смеха".
11:45 "Частная жизнь". Ток-шоу с Владимиром Молчановым и Ликой Кремер.
12:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
13:00 ВЕСТИ.
13:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
13:40 Александр Фатюшин, Георгий Жженов, Вячеслав Шалевич и Зинаида Кириенко в детективе "Лекарство против страха", 1978г.
15:25 "Смехопанорама Евгения Петросяна".
16:00 ВЕСТИ.
16:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
16:40 "Обреченная стать звездой". Телесериал.
17:40 Михаил Мамаев, Виктор Вержбицкий, Инга Стрелкова-Оболдина, Эммануил Виторган, Людмила Нильская, Алексей Булдаков, Александр Берда, Владимир Долинский и Анатолий Лобозиков в телесериале "Волчица".
18:40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
19:00 ВЕСТИ.
19:40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
20:00 "Спокойной ночи, малыши!"
20:10 РУССКАЯ СЕРИЯ. ПРЕМЬЕРА. Алена Хмельницкая, Татьяна Васильева, Богдан Ступка, Юрий Стоянов, Михаил Ефремов и Федор Бондарчук в телесериале "Три полурации", 2006г.
21:10 ПРЕМЬЕРА. "Александр Каверзнев. Афганский капкан".
22:10 ПРЕМЬЕРА. Арнис Лицитис, Олег Чернов и Наталья Ткаченко в телесериале "Коллекция", 2006г.
23:10 "ВЕСТИ".
23:30 "Честный детектив". Авторская программа Эдуарда Петрова.
0:00 "Синемания".
0:30 "Дорожный патруль".
0:45 НОЧНОЙ СЕАНС. Остроумный фильм "Каскадеры" (США), 1977г.
2:10 Канал "Евроньюс" на русском языке.
3:40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.

16 май СЕШАНБА

21.30 "Хабарлар".
21.50 "Девять месяцев".
22.40 Еврофутбол. Испания чемпиони.
00.15 "Тунгиз оуду бўлини".

ПЕРВЫЙ

5.00 Телеканал "Доброе утро"
8.00 Новости
8.05 "Убойная сила". Многосерийный фильм
9.20 "Детективы"
9.50 "Малахов + Малахов"
11.00 Новости
11.10 "Кавалеры «Морской звезды»". Многосерийный фильм (S)
12.20 Дисней-клуб: "По следам Микки Мауса"
12.50 "Александровский сад". Многосерийный фильм (S)
14.00 Новости (с субтитрами)
14.10 "Лолита. Без комплексов"
15.00 "Федеральный судья"
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.10 "Вне закона". "Собиратель душ"
17.50 "Любовь как любовь". Многосерийный фильм (S)
19.00 "Пусть говорят" с Андреем Малаховым
20.00 Время
20.30 Премьера. "Александровский сад". Многосерийный фильм (S)
21.30 Тайны века. "Похождения гениального афериста"
22.40 Ночные новости
23.00 Премьера. "Разгадка кода Да Винчи". Документальный фильм
1.00 Рэй Лиотта в фантастическом боевике "Побег невозможен" (S)
2.00 Новости
2.05 Фантастический боевик "Побег невозможен". Окончание (S)
3.20 "Подводный мир Андрея Макаревича"
3.45 "Наполеон". Документальный фильм. 2-я серия
4.00 Новости
4.05 "Наполеон". Окончание

РОССИЯ

4:00 "Доброе утро, Россия!"
7:45 Алена Хмельницкая, Татьяна Васильева, Богдан Ступка, Юрий Стоянов, Михаил Ефремов и Федор Бондарчук в телесериале "Три полурации", 2006г.
8:45 "Загадка «Черного принца»". Фильм Артема Михалкова.
9:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
10:00 ВЕСТИ.
10:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10:50 Арнис Лицитис, Олег Чернов и Наталья Ткаченко в телесериале "Коллекция", 2006г.
11:50 "Частная жизнь". Ток-шоу с Владимиром Молчановым и Ликой Кремер.
12:50 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
13:00 ВЕСТИ.
13:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
13:40 Светлана Антонова, Денис Матросов, Оскар Кучера и Татьяна Васильева в комедийном сериале "Любовь моя".
14:10 "Суд идет".
15:25 "Кулаги и партнеры".
16:00 ВЕСТИ.
16:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
16:40 "Обреченная стать звездой". Телесериал.
17:40 Михаил Мамаев, Виктор Вержбицкий, Инга Стрелкова-Оболдина, Эммануил Виторган, Людмила Нильская, Алексей Булдаков, Александр Берда, Владимир Долинский и Анатолий Лобозиков в телесериале "Волчица".
18:40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
19:00 ВЕСТИ.
19:40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
20:00 "Спокойной ночи, малыши!"
20:10 РУССКАЯ СЕРИЯ. ПРЕМЬЕРА. Алена Хмельницкая, Татьяна Васильева, Богдан Ступка, Юрий Стоянов, Михаил Ефремов и Федор Бондарчук в телесериале "Три полурации", 2006г.
21:10 ПРЕМЬЕРА. "Таблетка правды. Из истории ядов".
22:10 ПРЕМЬЕРА. Арнис Лицитис, Олег Чернов и Наталья Ткаченко в телесериале "Коллекция", 2006г.
23:10 "ВЕСТИ".
23:30 ВЕЧЕРНИЙ СЕАНС. Виктор Степанов и Олег Шляфанко в фильме "Бухта смерти", 1991г.
1:45 "Дорожный патруль".
2:00 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛУНОЧНИКОВ. Питер Койот в телесериале "Альфарас. Поразительный и правдивый рассказ" (США), 1980г.
2:55 Канал "Евроньюс" на русском языке.
3:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.

ТВ-3

7.30 Победоносный голос верующего.
8.00 Русские мультфильмы.
8.30 Мультсериал "Секреты Сабрины". 8-я серия.
9.00 Мультсериал "Люди Икс". 66-я серия.
9.30 Русские мультфильмы.
10.00 Художественный фильм "ПОСЛЕДНИЙ ИЗ МОГИКАН", США, 1992.
12.15 Художественный фильм "ЗАРЯЖЕННЫЕ СМЕРТЬЮ", Россия, 1992.
14.00 "Осторожно, модерн!" 4-я серия.
14.30 Русские мультфильмы.
15.00 Художественный фильм "НА МУРОМСКОЙ ДОРОЖКЕ", Россия - Китай, 1993.
17.00 Художественный фильм "БЕЗ ВЕСТИ ПРОПАШЬЕ", США, 1984.
19.00 Серии "ТРЕТЬЯ СМЕНА". 120-я серия.
20.00 Художественный фильм "АРЕНА", США, 2000.

22.00 Художественный фильм "МЕРТВ ПО ПРИБЫТИИ". США, 1989.
0.00 Художественный фильм "КУБ". Канада, 1998.
2.00 Художественный фильм "НА ПРЕДЕЛЬНОЙ СКОРОСТИ". США, 2004.
4.00 Серии "ТРЕТЬЯ СМЕНА". 120-я серия.

СТС

0.00 "ЗЕНА - КОРОЛЕВА ВОИНОВ". Многосерийный художественный фильм.
7.50 "Смешарики". Многосерийный мультипликационный фильм.
8.00 "Веселые мелодии". Многосерийный мультипликационный фильм.
8.15 Комедия на СТС. "МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ".
8.50 Комедия на СТС. "МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ". (Новые серии).
10.00 Истории в деталях.
10.28 Настроение с Евгением Гришковцом.
10.30 Комедия на СТС. "КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?".
11.00 Кино на СТС. "ДОБРОВОЛЬЦЫ ПОНЕВОЛЕ".
13.15 "БЕДНАЯ НАСТЯ". Многосерийный художественный фильм.
14.15 "Винни-Пух идет в гости". Мультипликационный фильм.
14.30 "Соник Икс". Многосерийный мультипликационный фильм.
15.00 "Король Артур и рыцари без страха и упрека". Многосерийный мультипликационный фильм.
15.30 "Самурай Икс". Многосерийный мультипликационный фильм.
16.00 "Шаман Кинг". Многосерийный мультипликационный фильм.
16.30 "Подземелье драконов". Многосерийный мультипликационный фильм.
17.00 Комедия на СТС. "ЛИЗЗИ МАГАУАЙЕР".
17.30 Комедия на СТС. "ТАКОЙ РАЗНЫЙ ФЕРГУС МАКФАЙЛ".
18.00 Комедия на СТС. "САБРИНА - МАЛЕНЬКАЯ ВЕДЬМА".
18.30 "ЗАЧАРОВАННЫЕ". Многосерийный художественный фильм.
19.30 Комедия на СТС. "ДЕДУШКА МОЕЙ МЕЧТЫ".
20.00 Комедия на СТС. "МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ".
20.30 Истории в деталях.
20.58 Настроение с Евгением Гришковцом.
21.00 "НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ". Многосерийный художественный фильм.
22.00 Комедия на СТС. "КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?".
22.30 Кино на СТС. "РОЛЛЕРБОЛ".
0.30 Истории в деталях.
0.58 Настроение с Евгением Гришковцом.
1.00 Комедия на СТС. "КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?".
1.30 Детали.
2.30 "ТАКСИСТ". Многосерийный художественный фильм.
3.15 Кино на СТС. "АМЕРИКАНСКИЙ ПСИХОПАТ-2".
4.35 "ДЕТЕКТИВНОЕ АГЕНТСТВО «ЛУННЫЙ СВЕТ»". Многосерийный художественный фильм. 2 серии.
6.10 Музыка на СТС.

ТВ-3

7.30 Победоносный голос верующего.
8.00 Русские мультфильмы.
8.30 Мультсериал "Секреты Сабрины". 8-я серия.
9.00 Мультсериал "Люди Икс". 66-я серия.
9.30 Русские мультфильмы.
10.00 Художественный фильм "ПОСЛЕДНИЙ ИЗ МОГИКАН", США, 1992.
12.15 Художественный фильм "ЗАРЯЖЕННЫЕ СМЕРТЬЮ", Россия, 1992.
14.00 "Осторожно, модерн!" 4-я серия.
14.30 Русские мультфильмы.
15.00 Художественный фильм "НА МУРОМСКОЙ ДОРОЖКЕ", Россия - Китай, 1993.
17.00 Художественный фильм "БЕЗ ВЕСТИ ПРОПАШЬЕ", США, 1984.
19.00 Серии "ТРЕТЬЯ СМЕНА". 120-я серия.
20.00 Художественный фильм "АРЕНА", США, 2000.

9-я серия.
9.00 Мультсериал "Люди Икс". 67-я серия.
9.30 Русские мультфильмы.
10.00 Художественный фильм "НА МУРОМСКОЙ ДОРОЖКЕ". Россия - Китай, 1993.
12.00 Художественный фильм "НА ПРЕДЕЛЬНОЙ СКОРОСТИ". США, 2004.
14.00 "Осторожно, модерн!" 5-я серия.
14.30 Русские мультфильмы.
15.00 Художественный фильм "ЛЕТНИЙ ДОЖДЬ". Россия, 2002.
17.00 Художественный фильм "ПОДВОДНИКИ". США, 2002.
19.00 Серии "ТРЕТЬЯ СМЕНА". 121-я серия.
20.00 Художественный фильм "АРЕНА-2". США, 2002.
22.00 Художественный фильм "ОКО ЗА ОКО". США, 1995.
0.00 Художественный фильм "КУБ-2: ГИПЕРКУБ". США - Канада, 2002.
2.00 Художественный фильм "АНТИТЕЛО". США, 2002.
4.00 Серии "ТРЕТЬЯ СМЕНА". 121-я серия.

СТС

7.00 Фильмы производства ВВС. "Война века". "Наука побеждать". "Мест".
8.50 "Биби Блокберг". Многосерийный мультипликационный фильм.
9.20 "Смешарики". Многосерийный мультипликационный фильм.
9.30 "Флиппер и Лопак". Многосерийный мультипликационный фильм.
10.00 "Аладдин". Многосерийный мультипликационный фильм. 2 серии.
11.00 Кино на СТС. "МОХНАТЫЙ ПЕС".
13.00 Кино на СТС. "СОЛНЕЧНЫЕ КАННИКУЛЫ".
14.55 Кино на СТС. "ЖИРДЯИ".
17.00 Истории в деталях. Специальный выпуск.
17.30 Кино на СТС. "ТРОЕ МУЖЧИН И МЯДВЕДЬ".
19.40 Кино на СТС. "ТРОЕ МУЖЧИН И МАЛЕНЬКАЯ ЛЕДИ".
19.55 Светлая память гавиак в борьбе против фашизма. Минута молчания.
Далее - продолжение фильма "ТРОЕ МУЖЧИН И МАЛЕНЬКАЯ ЛЕДИ".
22.00 Кино на СТС. "ВЭЛИАНТ".
23.35 "Хорошие шулки". Шоу-программа.
1.35 Кино на СТС. "ЖИЗНЬ ПРЕКРАСНА".
3.50 Кино на СТС. "ТАНЦЫ СО МНОЙ".
5.50 Музыка на СТС.

СТС

7.00 Информационный канал "СЕГОДНЯ УТРОМ".
8:00 Алексей Гуськов в детективном сериале "ДЕВЯТИК УБИЙЦЫ".
9:00 "СЕГОДНЯ".
9:15 "СТИХИЯ". Программа Ивана Усачева.
9:50 Ток-шоу "ПРИНЦИП ДОМИНО".
10:55 "РУБЛЕВКА LIVE".
12:00 "СЕГОДНЯ".
12:30 Серии "ОХОТА НА ГЕНИЯ".
13:30 Серии "ДОКТОР ЖИВАГО".
14:35 "ОБЗОР. ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ".
15:00 "СЕГОДНЯ".
15:15 Елена Яковлева в сериале "КАМЕНСКАЯ: СТЕЧЕНИЕ ОБСТОЯТЕЛЬСТВ". 17:30 "ОБЗОР. ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ".
18:00 "СЕГОДНЯ".
18:40 ПРЕМЬЕРА. Серии "ОХОТА НА ГЕНИЯ".
19:40 ПРЕМЬЕРА. Серии "ДОКТОР ЖИВАГО".
21:00 "СЕГОДНЯ".
21:45 ПРЕМЬЕРА. Джулия Стайлз и Лок Мэбли в фильме "ПРИНЦИП ИЯ" /США - Чехия/ 0:05 ДиДюЛи: "LIVE IN MOSCOW".
0:55 Чак Норрис в боевике "ОДИНОКИЙ ВОЛК МАКЗОЙД" /США/
3:10 Серии "КАРНАВАЛ" /США/
4:10 Серии "ХОЛМ ОДНОГО ДЕРЕВА" /США/
7:30 "Непобедимая команда суперобезьянок". Мультипликационный сериал (США).
7:55 "Jetix" на REN TV: "ПАУЭР РЕЙНДЖЕРС, ИЛИ МОГУЧИЕ РЕЙНДЖЕРЫ. ПАТРУЛЬ ВРЕМЕНИ". Телесериал (США).
8.20 "МЭШ". Комедийный сериал (США).
9.15 "СОЛДАТЫ-8". Телесериал.
10.30 "24". Информационная программа.
10.50 Час суда. Дела семейные.
11.50 "Час суда" с Павлом Астаховым.
12.55 "Жить вкусно с Джейми Оливером" (Англия).
13.30 "24". Информационная программа.
14.00 "Сделка?" Гейм-шоу.
15.15 "СЕКРЕТНЫЕ МАТЕРИАЛЫ". Телесериал (США).
16.15 "ИНСТРУКТОР". Телесериал.
17.30 "СТУДЕНТЫ-2". Телесериал.
18.45 "СОЛДАТЫ-8". Телесериал.
21.00 "Сделка?" Гейм-шоу.
22.10 "СОЛДАТЫ-8". Телесериал.
23.00 "СТУДЕНТЫ-2". Телесериал.
0.30 "24". Информационно-аналитический журнал с Михаилом Куренным.
1.20 "Невероятные истории" с Иваном Дыховичным.
2.10 Лучшие клипы мира.

НТВ

5:00 Информационный канал "СЕГОДНЯ УТРОМ".
8:00 Алексей Гуськов в детективном сериале "ДЕВЯТИК УБИЙЦЫ".
9:00 "СЕГОДНЯ".
9:15 "СТИХИЯ". Программа Ивана Усачева.

О'ЗБЕКИСТОН

Хурматли телетомошбинлар!
Профилактика муносабати билан душанба, 15 Май куни "O'zbekiston" телерадиоканали. 9:00 Курсатувларини совет 14.55 дан бошлайди.
14.55 Курсатувлар дастури.
15.00 "Тахлинома".
15.45 "Йилит кунгли". Телесериал.
"Болалар сайраси".
16.50 "Эрталак - яшиллока етаклар".
17.00 "Ахборот".
17.10 ТВ анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.25 "Равнак" студияси намойиш элади.
17.40 ТВ анонс.
17.45 "Меҳр кулур".
18.05 "Оханлар оғушида".
18.15 "Меҳробдан чайн". Видеофильм. 1-кўсм.
19.00 "Азлю ўйини". Телелотерея.
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 "Омон бўлини".
20.10 "Ишқ эртани". Телесериал премьераси.
21.00 "Ахборот".
21.35 ТВ анонс.
21.40 Олтин мерос.
22.00 "Йилит кунгли". Телесериал премьераси.
23.10 "Қўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз беринг).
23.20 "Олам ва одам" дастури. "Япониянинг ёввойи табиати".
23.45-23.50 Тунги наволар.

YOSHLAR

15.55 Дастуринг очитилиши.
16.00 Даяр.
16.10 Анонслар.
16.15 Болалар.
16.35 Кино SMS.
16.20 "Финист - сарлочи". Бадий фильм.
17.35 SMS-киноанонс.
17.40 Ёшлар овози.
17.55 Билганингиз фойда.
18.10 Олий лига кундалиги.
18.25 Ёшлар наволари.
18.45 UzEX хабарлари.
18.55 Иқлим.
19.00 Даяр.
19.35 Анонслар.

О'ЗБЕКИСТОН

5.55 Курсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.40 Олтин мерос.
8.50 "Олам ва одам" дастури: "Титаник: Ҳалокат тафсилоти". 1-кўсм.
9.40 ТВ анонс.
"Болалар сайраси".
9.45 1. "Уйла, Изла, Топ!" Телемусобақа.
2. "Тоглик". Мультсериал.
10.55 Биржа ва банк хабарлари.
11.00 "Ахборот".
11.10 ТВ анонс.
11.15 "Омон бўлини".
11.20 "Ишқ эртани". Телесериал.
11.55 "Олтин бешик".
12.25 "Одами эрсанг."
12.45 "Йилит кунгли". Телесериал.
13.50 Олтин мерос.
14.00 "Ахборот".
14.15 ТВ анонс.
14.20 "Шехсий фикр".
14.55 "Жавоҳир".
15.00 "Ахборот" (инглиз тилида)
15.10 ТВ анонс.
15.15 "Тоғиз малика". Бадий фильм.
"Болалар сайраси".
16.40 "Эрталак - яшиллока етаклар".
17.00 "Ахборот".
17.10 ТВ анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.25 "Бир асар тарихи".
17.45 ТВ анонс.
17.50 2006 - Ҳомийлар ва шифокорлар йили.
"Затулик".
18.10 "Оханлар оғушида".
18.25 "Меҳробдан чайн". Видеофильм. 2-кўсм.
19.10 "Банк ва меҳоз".
19.20 "Сизнинг адибонингиз".
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
10.00 Лучшие программы «Улицы Сезам».
10.30 «Гаджет и гаджетны». Многосерийный мультпликационный фильм.
11.00 «Ну, погоди!» Мультпликационный фильм.
11.10 Кино на СТС. «ДЕТИ-ШПИОНЫ».
13.00 «Жизнь прекрасна». Музыкальное ток-шоу. Ведущие - Лена Перова и Михаил Швайдой.
15.00 «Снимите это немедленно». Развлекательная программа с элементами реалити-шоу. Ведущие - Саша Вертинская и Таша Строгая.
16.00 Фильмы производства ВВС. «Человеческие инстинкты». «Вояк к победе».
17.00 Истории в деталях. Специальный выпуск.
17.30 «НЕ РОДИТЬСЯ КРАСИВОЙ». Многосерийный художественный фильм. (Повторный показ серий от 15 - 19 апреля).
22.00 Кино на СТС. «ОЧЕНЬ СТРАШНОЕ КИНО-2».
23.40 «6 кадров». Юмористическое скетч-шоу.
0.10 Кино на СТС. «СТЕКЛЯННЫЙ ДОМ».
2.15 Кино на СТС. «ИСПОРЧЕННАЯ».
3.50 Кино на СТС. «СОКРУШИТЕЛЬНАЯ ЛОЖЬ».

НТВ

4:40 Комедия «ОДИННАДЦАТЬ ДРУЗЕЙ ОУШЕНА» /США - Австралия/
6:30 «СКАЗКИ БАЖЕНОВА»
7:00 «СЕГОДНЯ»
7:15 «РАСТИТЕЛЬНАЯ ЖИЗНЬ». Программа Павла Лобкова.
7:50 «ИХ ПРАВЫ»
8:20 «ЕДИМ ДОМА!»
9:00 «СЕГОДНЯ»
9:20 «ТОР ГЕАР». ПРОГРАММА ПРО АВТОМОБИЛИ.
9:55 «ЦЕНА УДАЧИ» с Антоном Комоловым

10:50 «СЧАСТЛИВЫЙ РЕЙС» с Николаем Фоменко
12:00 «СЕГОДНЯ»
12:25 «СТИХИЯ». Программа Ивана Усачева

13:00 Василий Лановой, Георгий Юматов и Евгений Герасимов в детективе «ОГАРЕВА, 6»
15:00 «СЕГОДНЯ»
15:20 «ОДИН ДЕНЬ. НОВАЯ ВЕРСИЯ». Программа Кирилла Набутова.
15:55 «СВОЯ ИГРА»
16:55 Серил «МАРШ ТУРЕЦКОГО»
18:00 «СЕГОДНЯ. ИТОГОВАЯ ПРОГРАММА» с Кириллом Поздняковым
18:55 «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ».
19:30 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ. ОБЗОР ЗА НЕДЕЛЮ»
19:55 СЕРИАЛ ПО ВЫХОДНЫМ. ПРЕМЬЕРА. Серил «СЫЩИКИ-5»
21:00 «ВОСКРЕСНЫЙ ВЕЧЕР С ВЛАДИМИРОМ СОЛОВЬЕВЫМ»
22:30 ПРЕМЬЕРА. Серил «ЗОНА»
0:25 «ЖУРНАЛ ЛИГИ ЧЕМПИОНОВ»
1:05 Майкл Кейн, Энжи Диксонсон, Нэнси Элен в детективе «ОДЕТЫЙ ДЛЯ УБИЙСТВА» /США/

3:00 Джордж Клуни в боевике «ТРИ КОРОЛЯ» /США/

REN-TV

8.00 «Дикая планета»: «Морская гора». Документальный фильм (Англия).
9.00 «Дуг». Мультпликационный серил (США).
9.25 «Jetix» на REN TV: «Близняшки-пятачки». Мультпликационный серил (США).
9.50 «Геркулес». Мультпликационный серил (США).
10.15 «Симпсоны». Мультпликационная серия (США).
11.50 Без тормозов.
12.25 «Неделя» с Марианной Максимовской.
13.45 Военная тайна.
14.30 «24». Информационная программа.
14.50 «Супергерои» с Туттой Ларсен.
16.00 «Невероятные истории» с Иваном Дыховичным.
17.00 «Медвежуть». Мультпликационный фильм.
17.15 «Кино»: Риз Уизерспун и Люк Уилсон в комедии «БЛОНДИНКА В ЗАКОНЕ-2» (США).
20.00 «Сделка?» Гейм-шоу.
21.10 «Кино»: Элли Шиди, Стив Гаттенберг в фантастической комедии «КОРОТКОЕ ЗАМЫКАНИЕ» (США).
23.30 «Китайский Розвелл». Документальный фильм (США).
0.35 «Кино»: Лоренцо Ламас в боевике «ПОСЛЕДНИЙ РАУНД» (США).
2.25 «Кино»: Дэррил Хана в боевике «КОНТРАКТ НА УБИЙСТВО» (США).
3.50 Ночной музыкальный канал.
5.10 «Дикая планета»: «Морская гора». Документальный фильм (Англия).

Ўзликни англаш канака бўлади? Миллий гурур, ватанпарварлик, шарқона аънаналарга садоқат нималар воситасида ифодаланади? Бу саволларга жавоб тариқасида минбарлардан ваъз айтиш шарт эмас, жангоҳларда жавлон уриш талаб этилмайди. Энг аввало ўзбеклигимизга иймон келтириш, «Мен Ватан равнакига канака хисса кўшдим, халқимга нима хизмат килдим?» деган саволга жавоб бериш керак, холос. Бунинг учун эса ўзбекона фазилатлар мужассам, маънавият бенуксон бўлиши шарт. Ҳар қандай халқнинг буюклиги миллий маънавият ва мафқуранинг мустаҳкамлиги, умрбоқийлигидадир.

Қалбларга қувонч бағишлайдиган, эзулик уруғини сочадиган байрамлар табиийлиги, тарихийлиги, миллийлиги билан ҳаммиша қадрлидир. Ўзбекона аънаналардан йироқ сунъий байрамлар тарбиявий аҳамиятга эга эмас. Ёшларимизни бундай ёт гоғлар таъсиридан ҳимоя қилиш керак.

Кейинги йилларда турмушимизга «Валентин куни» («Севиганлар куни») деган тадбир сингиб бораётти. Утган йили шу муносабат билан айрим ўқув юрларда ва меҳнат жамоаларида тантаналар ўтказилгани маълум. Вилоят «Маънавият ва маърифат» маркази томонидан қилинган оғохлантириш, тушунтиришларга қарамай, бундай нобоп ҳаракатларга чек қўйилмади. Бу йил Самарқанд чет тиллар институти қаршида катта реклама ёзуви пайдо бўлди. Унда Самарқанд шаҳар ҳокимлигининг маданият ва спорт ишлари бўлими, ёшлар маркази, ёшлар ижтимоий хизмати маркази 14 феврал куни талабаларни «Афросиёб» ресторанида бўладиган «Сиз севилганмисиз?» шоу тадбирига таклиф этиши маълум қилинган. Чорловда тадбир фақат талабалар учун эканлиги алоҳида таъкидланади. Хуллас, ўша куни тадбир ўтказилди. Республикаминистрининг таъкид санъаткорлари Азиза Ниёзметова, Анвар Фаниев, Шукрулло Исроилов, Достон Убайдуллаевлар ташир буюришди. Элининг назарига тушган санъаткорлар ўзлари билмай, элининг удумларига зид бўлган тадбирда иштирок этишди? Ёки моддий манфаат устунроқ бўлиб, масаланинг бу томони уларни қизиқтирмайди? Ахир, битта чиптанг нархи 18 минг сўм эди-да. Бир неча соат давом этган шовкин-суронли, енгил-елпи тадбирга харажат қилган пулига ҳар бир талабани уч-тўртта яхши китоб олиб ўқишга даъват этган яхшироқ эмасми?

Ёшларнинг онгини заҳарлаётган «Валентин куни» қачон пайдо бўлган? Тарихий манбаларнинг хабар беришича, эра-миздан олдинги III асрда Рим императори ўз аскарларига аёллар билан ҳар қандай алоқада бўлишни, очик айтганда, зино-корликни қаттиқ таъқиқлаб қўйган. Империя худудидидаги Терн шаҳрида эса Валентин исми епископ яшаган бўлиб, у император таъқиқлаган ишга аскарларни яширин рағбатлантирган, шароит яратиб

УЙҲОҚ ҚАЛБЛАРДАГИ БЕЗОВТА БИР ДАРД

берган. Бу кунни нишонлаш Европада XIII асрда, Америкада XVIII асрда одат тусига айланган. Лекин дунёнинг ҳеч бир давлатида расман эътироф этилган бундай байрам йўқ. Умуман, чинакам муҳаббат иймон-этиқод сингари муқаддас туйғудир. Уни бозорга солиб, енгил-елпи тадбирлар билан ифодалаб бўлмайди. Маданият соҳасининг рағбарлари, ёшлар ташкилотининг етакчилари «Валентин куни» деб аталаётган кун халқимиз учун Бобур таваллуди куни бўлгани билан қадрли эканлигини унутмасликларини истарди. Аскарлар оша башариятни ҳайратга солиб турган Аградаги Тожмаҳал, Самарқанддаги Бибиҳоним обидалари чин муҳаббатнинг, покиза туйғуларнинг рамзи сифатида бунёд этилганини ёшларга ибрат қилиб кўрсатган яхшироқ эмасми?

Мулоҳаза учун мавзу

Ёшларни тарбиялашнинг миллий, самарали воситалари жуда кўп. Болаларни китоб ўқишга ўргатиш керак. Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Уткир Хошимов каби етук ёзувчиларнинг асарлари, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Мухаммад Юсуф каби ҳассос шоирлар шеърлари энг улуг инсоний фазилатларни шакллантиришга қодир. Умуман, адабиётга ошно бўлганлар жаҳолат ботқоғига ботиб кетмайди. Илгари байрамларда, айниқса туғилган кунларда энг яхши совға сифатида китоб бериларди. Ҳозир эса дастурхон ёзишга, базм уюштиришга ружу қўйилапти, шекилли.

Маънавият масаласи саводхонлик, она тилини мукамал билиш билан бевосита боғлиқдир. Чунки тил халқимизнинг тимсоли, тамалларидан бири ҳисобланади. Аммо бунда ҳам гоҳ эътиборсизликка йўл қўйилапти. Буюк адиб Абдулла Қаҳҳор ўз вақтида шогирди Саид Аҳмадга «кўчадаги вивескаларни ўқиб юрсанг ҳам рус тилини ўрганиб кўярдинг» деган экан. Демокримизки, ҳаммамнинг назари тушадиган ёзувлар имло жиҳатидан ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам мукамал бўлиши шарт. Энг аввало мактаблар ва ўқув юрларидидаги деворий ёзувлардаги хатоларга барҳам бериш зарур. Оммавий нашрларда ҳам жумла тузилиши, имло, бўғин кўчириш қондаларидаги хатолар кам эмас. Кўчаларда кўзга ташланиб турган «Ўтказиш кўприги», «Оқ уй» каби ёзувларни имло ва мазмун бўйича қандай изоҳлайсиз? Ўтказмайдиган кўприк бўладими? «Йул» ҳамда «юл» сўзларининг фарқини англаш қийинми? Тошкент-Термиз катта йўлининг Жомбой туманидан ўтган қисмида «Э.Тур-

диев» деган кўрсаткич ёзув бор. Бу аслида шу худуддаги хўжаликка кўп йиллар рағбарлик қилган Нормамат Эсонтурдиев номи билан боғлиқ бўлиши керак, деган тахминимиз бор. Соф ўзбек тилида беҳато ёзиш ва гапириш миллий гуруримиз эканлигини қачон англаймиз?!

Миллийлик ҳақида гап кетганда телевидение намоишлари ва санъаткорларнинг саҳнага чиқишлари хусусида алоҳида тўхталиш керак. Ўзбекона урф-одат ва ахлоққа мос келмайдиган ҳолатлар экранга чиқарилмаса, айна муддао бўларди. Яқинда телевизорда кўриб қолдим. Хонандалардан бири муҳаббат мавзусида яхшигина кўшиқ куйлаётган экан. Аммо унинг ортида ярим-яланғоч кизлар рақс тушаётгани, фикримизча, мутлақо ўринсиз эди. Санъаткорларимиз миллийлик, маънавият, иш одобига жуда жиддий қарашлари керак. Негаки, ёшлар ўртасида русум бўлаётган одатлар, тадбирлар аввало уларнинг санъат ахлоғига тўғридан-тўғри тақлид қилишининг натижасидир. Тақлид қилувчилар эса ҳаммиша билимсиз, қатъиятсиз, эътиқодсиз одамлар бўлган.

Навийни ўқимасдан ва ўқмасдан, Бобурни билмасдан, Қодирийни қадрламасдан, Уткир Хошимов асарларидан ҳайрату ҳажжонга тушмасдан туриб, миллий маънавият ҳақида гапириб бўлмайди. Ҳар кунлик оддий ишларимиз билан мустакиллик туфайли олдимизга қўйилган уркан мақсадларга хизмат қилишимиз керак. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» давлат дастури доирасида ижтимоий ҳимояга муҳтожларга моддий ёрдам берилган таҳсинга сазовор. Агар бундай ҳимматли харажат таркибига китоб каби маънавият дурдоналарини ҳада этиш ҳам киритилса, яхши китобларни нашр қилишга, яхши кино, санъат асарларини ишлашга молиявий ёрдам берилса, жуда зўр бўларди. Асли келиб чиқиши мавҳум, шубҳали бўлган тадбирларни уюштириш, унга тақлид қилишдан кўра миллий маънавиятни, маданий меросни тарғиб қилиш, миллий истиқлол мафқурасини замондошлар тафқурига сингдириш муҳимроқ, албатта.

Рустам ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» муҳбири

Эшик кўнғирогининг кутилмаганда чалиниши Шоиранинг жаҳлини чиқарди. Тўғри-да ахир. Бир соатгина дам олиб, овқатланишга ҳам қўйишмайди. Иш жойининг уйга яқинлиги яхши бўлмас экан. Шоира тўққиз қаватлик уйнинг 8-қаватида яшайди. Ишлайдиган дўкони эса шу уйнинг 1-қаватида. Шундан бўлса керак, баъзида тушки овқатга чиққанида мана шу аҳвол.

У индамай ўғли Самадни овқатлантираверди. Бугун яқшанба, болалари уйда. Шу пайт кўнғироқ чалаётган киши эшикни гурсиллатиб ура бошлади. Шоира нариги уйда телевизор кўраётган кизига бақирди.

— Гўзал, қара-чи, ким экан?

Эшикни очган қизи зум ўтмай ранги ўчган ҳолда қайтиб келди. Унинг кўзлари хавотирдан жовдирарди.

— Ойи, дадам эканлар, — деди кўрка-писа. — Жуда хунук бўлиб кетибдилар.

Шоиранинг юраги шув этиб кетди. Кейин қизини уришган бўлиб:

— Бор, телевизор кўравер. Сен ҳам кир Самад, опангнинг олдида.

Шундай дея Шоира коридорга чиқди. У ердаги оёқ кийимлари қўйилдиган шкафчада Суръат ўтирар, қўллари қалт-қалт титраганча ранги ўнгиб кетган туфлисининг боғичини ечишга ҳаракат қиларди. Ёз бўлишига қарамай, кийиб олган костюми кирдан йилтиллаб кетган эди.

— Вой худойим-ей, сизга яна нима бўлди?!

Эри ҳар келганда ундан сўрайдиган гапи шу эди. Суръат оғир хўрсинди. Туфлисини ечиб, ошхонага кирди ва жўмакни бураб, узоқ сув ичди. Кейин оғзини енгига артар экан, Шоирага гуноҳдорларча тикилди.

— Сан биласанми... Мен усталар билан ишлаётган эдим. Уй қурдик...

Шоира эрига бироз тикилиб турди-да, уф тортди.

— Киригиз, одамларга ўхшаб ювиниб олинг!

— Хўп, хўп, ҳозир...

Суръат ваннага кириб ювиниб чиқди. Шоира унга овқат олиб кирди. Шу пайт кўшни хотиннинг тунов кунги гапи ёдига тушди:

— Эрингиз нега бунча кўп ичади. Мана, қизингиз ҳам катта бўлиб қолди. Нарироқ бориб, дадаси пиёниста экан деб...

Шуларни эслар экан Шоиранинг юраги сиқилди. Суръатнинг кўзлари олазарақ эди. Соқоли ўсиб кетганлигидан нукул иягини ишқаларди.

— Шоира...

Эрининг нима демоқчи эканлигини билган Шоира кескин ўшқирди:

— Йўқ!

Шу пайт Шоиранинг кўзига филтилт ёш келди.

— Суръат ака, ўйласангиз-чи! — деди алами келиб. — Ахир болаларимиз катта бўлиб қолишди.

Бу гапни у эрига юзинчи, балки мингинчи марта такорллаши эди. Суръат бўлса унга мўлтираганча қараб турар, ҳеч нарсани эшитмасди.

Қачонлардир келишган, чиройлик йигит бўлган Суръатни илгари кўрган киши ҳозир мутлақо таний олмасди. Бир пайтлар Шоира эрининг кўзларига тикилиб, унинг босиқ оҳангдаги гапларини тинглашни яхши кўрарди. Курсдошлари орасида Суръат истевъ-доди билан ажралиб турар, шунинг учунми, ҳатто домлалари ҳам уни хурмат қилишарди. Шуларни ўйлар экан Шоира рўпарасида мўлтираб турган эрига ҳам раҳми, ҳам қаҳри келди. Қани энди қўлидан келса-ю, роса уриб, хуморидан чиқса. Йўқ, бундай қилиш қўлидан келмайди. Уролмайд...

У хўнграганча болалари ўтирган хонага чиқиб кетди. Онасининг аҳволини кўриб 3 яшар Самад ҳам йиғлай бошлади. Ранги доқадек бўзарган Гўзал эса бурчакда қотиб турарди.

Шоира ўзини тутиб Самадни юпатди-да, кизига:

— Гўзал, сен овқатингни еб, укангни пастда ўйнатиб кел. Идиш-товоқларга кейин қарарсан.

Шу пайт эшик тақиллаб, кимдир чиқди. Суръат бўлса керак — хаёлидан ўтказди Шоира. Болалари ўтирган уйни йиғштириб бўлиши билан эшик яна очилиб Суръат кирди. Шоира деразадан ташқарига тикилди. Пастда одамлар кичкинагина бўлиб кўринар, ҳар ким ўз иши билан банд. Уларга Шоиранинг ҳаваси келди. Яна ўпкаси тўлди. Кейин оқ халатини кийиб, Суръат ўтирган уйга кирди. Овқатга қўл ҳам урилмаган. Стол четида ичиб улгурилмаган вино шишаси турарди. Суръат эса бошини столга қўйганча ни-

маларнидир гўлдирарди. Шоиранинг яна юраги сиқилиб, жаҳли чиқди.

У Суръатни икки қўлтигидан олиб, кроватга ётқизди. Кайф аралаш эри тўнғиллаб, қўл силтади. Шоира столни йиғштирди. Шишани олиб, жаҳл билан ахлат челагига улоқтирди. Шу тобда кимгадир дилидагини ёзиб, йиғлагиси келди. Эрига яқинлашиб, унга тикилди. Оп-поқ ёстиққа сўлаги оқиб қолган ва унга пашша кўниб турарди. Эрининг бу ҳолатини кўриб, бу ердан тезроқ чиқиб кет-

Ёдида, ёшлигида у ҳам ойисини жуда яхши кўрарди. Эсини танибдики, ярим оғиз гапи билан фикрини уқиб олишга ҳаракат қиларди.

У ўнинчи синфни битириб, университетнинг геология факультетига ўқишга кирди. Чунки онаси касал бўлиб ётган чоғларда юраги сиқилиб, узоқ-узоқларга бориб ишлашни орзу қиларди. Уқиб юрган пайтида Суръат билан танишди. Ундан бир курс пастда ўқирди. Улар бир-бирига кўнғил қўйишди.

Тўйларибўлди. Ҳозирги турган уйлари

Ф О Ж Е А



Ҳижоя

гиси келди. Нариги хонадаги болаларига бақирди.

— Мен кетдим. Эшикни қулфлаб олинглар, эшитяпсизларми!

— Хўп, ойижон, — деди Гўзал ичкаридан.

Шоиранинг кўнғилига шу тобда ҳеч нима сиғмасди. У дўконга кирди. У ерда фаррош Рихси хола билан сотувчи Зикир нима ҳақидадир гаплашиб туришарди. Рихси хола Шоиранинг йиғидан қизарган кўзларига қараб:

— Бошингиз оғрияптими дейман. Кун ҳам исиб кетди, бироз дам ола қолинг. Биз Зикир билан амаллаб турармиз.

— Раҳмат хола, — дея олди Шоира.

Ҳақиқатан ҳам шу тобда унинг боши лўқиллаб оғрир, бироз бўлса ҳам дам олгиси келарди. Лекин уйига қайтиб киргиси йўқ. Бу бош оғригидан ҳам кўнғилсизроқ. У пештахта ортига ўтиб, стулга ўтирди. Шу пайт ичкаридан тўладан келган қора қошиқ Тоҳир кўринди. Шоирага савол назари билан тикилди. Шоиранинг яна ўпкаси тўлди. Ҳар хил фикрлардан ўзини чалғитиш мақсадида пештахтага яқинлашаётган аёл томон юрди. Шу пайт эшик очилиб, дўконга Гўзал билан Самад киришди. Икковлари кўнғир-чоқдек ясашиб олишганди. Шоира қувониб, қизидан секингина сўради:

— Дадамг ётибдиларми?

— Ҳа, ойижон, — деди ўзини қувноқликка солиб Гўзал. — Хавотир олманг. Биз айланиб келамиз. Ҳеч нимани ўйламанг.

Шоиранинг кўнғили бироз жойига тушиб, болаларининг ортидан ҳавас билан қараб қолди. Уларга Рихси хола ҳам тикилиб турарди.

У кунни бир амаллаб кеч қилди. Зикир билан хайрлашиб, уйга чиққанида поллар яхшилаб ювилган, газда эса овқат пишарди. Шоира қизидан хурсанд бўлди.

Эри ётган уйга кириб, ҳайрон бўлиб қолди.

— Гўзал, даданг қанилар?

— Бир ёққа чиққандирлар-да, — ясама ажабланиб деди қизи. — Келиб қоларлар.

Бу гап билан қизи ойисининг кўнғили хотиржам қилгиси келаётганини сезди-ю, унга нисбатан янаям меҳри ошди.

Шоиранинг раҳматлик дадаси совға қилганди.

Тўртинчи курсга ўтганда Гўзал туғилди. Бола билан бўлиб ўқишни ташлади. Суръат эса университетни тугатиб, илмий текшириш институтига ишлаб бошлади. Баъзида у узоқ экспедицияга кетганда, қизи билан эрини кутарди. Унинг ҳаётидаги энг бахтли дамлари эди шу пайтлар. Бахтга қарши Суръатнинг ишхонасида кўнғилсизликлар бошланди. У эрини бу ўткнчи нарсаларга бефарқ бўлишга ундади.

Эрининг ича бошлаганини кўрганида ҳам унчалик эътибор қилмади. Кейинчалик эри ичкиликка муккасидан кетди. Самад туғилганда ҳатто уларни кўргани туғруқхонага ҳам бормади. Уйга келиб, буни эрининг юзига солди. Шунда Суръат титраб-қақшаб, сўкиб, ҳаётида биринчи бор хотинининг юзига тарсаки тортиб юборди.

Шоира энди тушунди. У эрига қандай қилиб ёрдам беришни билмасди. Эри 4 марта даволаниб чиқди. Лекин барибир ичишни ташлай олмади. Ишидан ҳам ҳайдалди. Шоира ўғлини боғчага бериб, уйлари тагидаги дўконга сотувчи бўлиб ишга кирди. Бошида кўпчилик унинг бу ишидан ҳайрон бўлишди. Ёш, соғлом, чиройлик хотин... Кейинчалик ўзи ҳам, бошқалар ҳам бунга кўниқиб кетишди. Дастлаб ишга кирганида Тоҳир Шоирага бошқача кўз билан қараб гап ота бошлади. Бундан Шоиранинг жаҳли чиқиб, шартта юзига солди. Шундан сўнг Тоҳир тилини тийди. Лекин кейинчалик Шоира Суръатни қанчалик севмасин, халёлида уни Тоҳир билан солиштириб кўрди-ю, ўзи ҳам кўрқиб кетди. Чунки у Тоҳирнинг афзаллик томонларини кўра бошлаганди. Айниқса, Суръат ичиб, уйдаи ёки ташқаридаги ўриндикдами мудраб ўтирганини кўриб қолса, уни ёмон кўриб кетарди.

Бир кун уни Тоҳир кабинетига чақирди. Шоира кириши билан у шошиб қолди. Ўзи ҳақида — хотинига кўнғили йўқлиги, бефарзандлигини айтиб, гап орасида уни яхши кўриб қолганини ҳам қистириб ўтди.

Бу гапларни эшитган Шоира Тоҳирнинг бундай дейишга қандай тили бор-

ганлигини юзига солиб, эшикни тарақлатиб ёпиб чиқиб кетди. Лекин Тоҳир ўз ниятидан осонликча воз кечадиганлардан эмас эди. Мулозамат қилишни қўймади. Охири ниятига етди. Дастлаб Шоира уятдан қоврилиб юрди. Бу ҳақда фаррош Рихси хола гап-сўз қилди. Шу воқеадан кейин Шоира уни ёмон кўриб қолди. Кейинчалик Тоҳирнинг тазйиқи билан бўлса керак, у гап-сўзини тўхтатди. Ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолди.

Ҳаёт гўё шундай бўлиши керакдек, бир маромда давом этарди. Суръат эса ичкиликка бутунлай муккасидан кетган, баъзан ҳафталаб кўринмай кетарди. Дастлаб Шоира уни қидиртирди. Бора-бора йўқолиб кетишига кўниқиб қолди. Шоира суриштирса, шаҳар чеккасида қурилаётган участкаларда мардикорчилик қилаётган экан.

Шуларни ўйларкан, Шоира ошхонага кирди.

— Ойижон, биласизми, кеча туш кўрибман, — қизи хурсанд бўлиб гапирди. — Дадам, сиз, мен ва Самад туғилган кунингизни ўтказаятган эмишимиз.

— Ҳа, дарвоқе, — Шоиранинг ёдига тушди. Уч кундан кейин ўзининг туғилган кунини кўрди.

У кизини кучоқлади:

— Биласанми, Гўзал. Агар дадангни кўрсанг айтгин. У ҳам ўша кунни албатта келсин.

Гўзал хурсандчилигидан чапак чалиб юборди. Шоира яқин орада қизининг бундай хурсанд бўлганини кўрмаган эди.

Шу кунга улар яхшилаб тайёргарлик кўришди. Тоҳир уни ишхонада табриқлади. Зикир билан Рихси хола бирров кириб кетишди. Шоира ҳам, Гўзал ҳам бир нарсани, яъни Суръат келадими, йўқми, шунини ўйлашарди. Кечга бориб кўнғироқ чалинди. Эшикни Шоира очди. Остонада Суръат турарди. Эгни-боши ўша-ўша. Лекин соқолини яхшилаб олдириганди. Гўзал югуриб бориб дадасини кучоқлаб олди. Суръат унга қоғозга ўроғлик нарса берди. Бу рўмол эди. Ҳозир ҳеч ким бундай рўмолни ўрамаса-да, уни оларкан Шоира йиғлаб юборди.

Ҳаммалари дастурхон аτροφига ўтиришди. Шоира пиширган тортини олиб кирди. Суръат дастурхондан тинган бўлиб, сигарет чека бошлади. Бироз ўтиришгач, Гўзал укасини олиб чиқиб кетди. Шоира Суръатга қаради. Унинг жуда-жуда ичкиси келиб турганини сезди. Шу чоғ эрига Шоира жонини беришга ҳам тайёр эди. У стол устига шиша олиб келиб қўйди. Эрига ҳам, ўзига ҳам қўйди. Суръат титраб стаканни бўшатди. Шоира ҳам ичди. Бу унинг умрида биринчи бор ичкилик ичиши эди. Шу чоғ у эри билан гаплашиб ўтиришни хоҳларди. Суръат яна стаканни тўлдириб қўйди-да, ичди. Унинг кўзлари бир нуқтага маъносиз қадалган эди.

— Суръат ака, айтинг-чи, мени ҳозир олиб қочиб кетишса, нима қилардингиз? — беҳосдан сўради Шоира.

Эри елка қисди. У нимадир демоқчи бўлиб гўдранди.

Шоиранинг бир неча дақиқа олдинги қувончидан асар ҳам қолмади. Юраги сиқила бошлади.

— Сиз кимсиз менга ўзи?

Шу пайт Суръат гўдранди.

— Биласанми? Мен сени яхши кўраман. Лекин Тоҳир...

Шоира ундан жон ҳолатда сўради:

— Нима Тоҳир...

— Ахир сен у билан...

Суръат гапиролмай қолди. Шоиранинг кўкрагида санчик турди. — Бу қандай гап ахир, — алам билан ўйлади Шоира. — Хотини бировлар билан ўйнаш тутинса-ю, у бўлса...

— Сиздан сўраяпман. Мен ҳам одамман-ку. Ит эмасман. Наҳотки билган бўлсангиз, бирон марта ҳам рашк қилмасангиз?!

У Суръатга тикилди. Унинг маъносиз кўзларидега ёш кўринди. Шоира ҳаво етишмаётгандек бўлиб балконга чиқди. Осмонда юлдузлар чарақларди. Катта йўлдан машиналар физиллаб ўтмоқда. Кўчада одам сийрақлашган. У хўнграб юборди. Айни дамда у ўз қадрини ўчун йиғларди. Кўзига шу пайт ҳеч нима кўринмасди. Эртага яна ишга тушади. Тоҳир, Зикир ва Рихси хола... Кечкурун эса маст, тинкаси қуриган эри... Шоиранинг кўз олдини қоронғулик босди. Боши гир-гир айланди. Шу вақт 9 қаватли уйнинг томи ерга гупиллаб кулаб тушгандек бўлди.

Эртасига эрталаб уларнинг эшикларига одам тўпланди. Суръатнинг икки укаси тўн кийиб, бөл боғлаб туришарди.

Неъмат РАФИҚОВ

Саломатлик сабоқлари

Зулук — халқ таъбаотида қадим замонлардан бери кенг қўлланаётган, инсон саломатлиги учун ниҳоятда шифобахш — қон тозаловчи жонзот. Уни араблар «алақ», форслар «зулу», «девча», турклар «сулук», хиндлар «жунк» дейдилар.

Зулук ширин сувли анҳор, ҳовуз, кўл, тўхтаб қолган кўлмақларда учраб, унинг хиллари жуда кўпдир. Энг яхшиси эса ширин сувли анҳор ёки ҳовузда ёхуд айнамаган сув ости ўтлари кўп жойда етилган ҳисобланади. Бундай зулукларнинг ранги оч-қора, катта-кичиклиги ўртача, боши қора ва юмалоқ, қорнининг ости бироз олароқ бўлади. Халқ табибларининг эътирофи этишларича, қорни қизғиш, тепасида иккита яшил чизиги бўлган ва тоза сувда етилгани ҳам шифобахшдир. Тим қора ва каттаси яхши эмас. Жуда кичиклари эса заиф бўлади.

Маълумки, баҳорнинг ўрталарига келиб инсон таънасида турли ўзгаришлар содир бўлиб, тез-тез бош оғрийди, яра-чақа тошиб, бадан қичишади, қон босими кўтарилиб, юрак безовта қила бошлайди. Мутахасссларнинг эътирофи этишларича, бу даврда инсон қон томирлари шамоллаши, яллиғланиши сабабли баъзи қисмларда тўсиқлар пайдо бўлади. Натижада қон айланишининг меъёри бузилиб, одам ўзини нохуш, бетоб ҳис қилади. Бу эса илмий, замонавий тиббиётда қон айланишининг бузилиши дейилса, халқ таъбаотида «ҳаром қоннинг кўпайиши» деб талқин этилади. Зулук танадаги ҳаром қонни излаб топиб, сўриб олиш баробарида ўзидан қонни тозаловчи суюқлик юборади. Натижада инсон танасида қон айланиши меъёрига тушиб, ўзини яхши ҳис қилади. Бундан ташқари зулукдан юрак хасталикларидан тортиб бўгин, тери касалликларини даволашда ҳам фойдаланилади. Замонавий тиббиёт ниҳоятда ривожланганига қарамай, бугунги кунда бир қатор Фарбий Европа мамлакатлари ва АҚШда ҳам зулук билан даволанишни хоҳловчилар кўпайиб қолди. Бунга инглиз шифокори Рой Сойернинг Уэльс шаҳрида махсус лаборатория ташкил этиб, зулукларни кўпайтириш ва

ўрганиш борасидаги илмий изланишлари сабаб бўлди. Унинг эътирофи этишларича, тиббиётнинг энг сўнги ютуқлари ҳам зулукнинг ўрнини боса олмайди. Зулукларнинг сири уларнинг шифобахш компонентлари бўлган сўлақларида экан. Юрак-қон томирлари, тромбозфлебит, гипертония касалликлари ва жароҳликдан кейинги қон айланишини тиклашда, шунингдек, бир қатор касалликларда зулукларнинг шифобахшлик хусусиятларидан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлар экан.

Қарангки, донишманд ота-

Аммо биринчи кундагидан кам бўлиши лозим. Масалан, биринчи кун ўн дона зулук қўйилган бўлса, иккинчи кун беш дона ёки уч дона қўйилиши керак. Аммо қувватга эътибор бериш зарур. Куч-қувватдан қоладиган даражада қон олдириш ва томир устига зулук қўйиш хавфлидир. Танлаб олинган зулукни қўйишдан аввал унинг бошини ерга қаратиб турилса, аввал нима ичган бўлса қусиб ташлайди.

Зулукни қўйишдан аввал беморнинг аъзоси қизаргунча ишқаланади, сўнг зулук қўйилади. Зулукнинг шишганига қараб, уни тўйди, деб гумон қилиб, куч билан ажратишга уринмаслик керак. Тўйгандан сўнг ўзи тушиб кетади. Бордию тушириш зарур бўлса, озгина кул ёки туздан оғзига сепилса ёки пиёз тегизилса, дарҳол тушиб кетади. Сўнгра тишлаган жойи тоза мато, юмшоқ бўз латта билан қон тўхтагунча артиб турилади. Қон тўхтамай оқаверса, кўл босила-қон тўхта-дори ишла-тилари. Сув текканида ёки совуқ ҳаво сабабли зулук қўйилган жой оғриси, яллиғланса, қичишса, тўйилган ва эланган зарчавадан боғланади. Сўнг сув ва совуқ тегишидан асралади.

Халқ таъбаотида зулукдан турли дорилар тайёрланган. Зулукни қуритиб, асалга солиб яланса, томоқ оғригини қолдиради, буйракдаги тошларни майдалайди. Тўйиб, алоэ билан қўшилгани эса бавосил ярасини қуритади. Суркалгани эса доғларни кетказди. Зулук махсус шиша идишда сувда сақланади. Унутмаслик керакки, қудуқ ва ичимлик суви зулук учун зарарли.

Зулукнинг шифобахшлик хусусияти шундаки, у қонни сўриш баробарида ўзидан қоннинг ивимайдиган гирудин ферментини ишлаб чиқаради. Зулук қон сўраётганда сўлаги орқали томирга ўтади ва қоннинг ивишига йўл қўймайди. Зулукдан фойдаланганда, албатта, шифокор тавсиясини олиш шарт. Чунки баъзи хасталикларда зулукдан фойдаланиш муаммо келтириб чиқариши мумкин.

Кундуз ҚЎШШАЕВА,
мутахассис

Муштарий фикри

Кино санъатининг маънавиятимизда тутган ўрни ҳақида соатлаб гапириш мумкин. Айниқса, унинг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти бекиёс. Чунки яратилган ҳар бир кино миллий ҳаётимизнинг кўзгуси ҳисобланади. Одамлар кўзгуга қараб ўз қиёфаларини билиб, камчиликларини тўзатишлари шубҳасиз. Кино томоша қилиб эса ҳам хордик чиқарадилар, ҳам маънан қувватланиб, руҳан юксаладилар. Шу маънода яхши киномани энг ишончли тарбия воситаси, дейилишида катта рамзий маъно бор.

КУМУШДЕК ИБОЛИ, РАЪНОДЕК ЗУККО ўз қахрамонимиз бўлсин



Томошабинлар томонидан «Сарой жавоҳири» телесериали ҳақида матбуотда кўпгаб фикрлар билдирилди. Бош қахрамон Тангем ва зобит Минганинг одоб ва ахлоқи, пок муҳаббатини кўкларга кўтариб мақташди. Тўғрида, биз шарқликлар учун одоб-ахлоқ, ҳаё ва ибодат энг муҳим қадрият саналади. Шу боис кўпчилигимиз ушбу сериални севиб томоша қилдик. Негаки, фильм мазмун-моҳияти, маънавий-тарбиявий аҳамияти билан миллий менталитетимизга тўла мос келади. Тўғри, соф инсоний муносабатлар улуғланадиган фильмлар бизда ҳам жуда кўп. Масалан, «Тоҳир ва Зухра», «Ўтган кунлар»... барибир улар жуда кам. Биз ёшлар «Сарой жавоҳири», «Рамаяна» каби хориж сериалларини кўрганда, юрагимизни бир нарса қийнайди. Хўш, биз ўз Тангемимизни қачон яратамиз? Ўзида жамики ўзбекона фазилатларни жамлаган қахрамонларимизни экранда кўриш қачон насиб этади?

Ўзбек киночилари ҳам ана шундай ҳар томонлама мукамал, моҳиятан теран фильмлар яратиши мумкин-ку. Ахир таъбаот илмининг донишманди Абу Али ибн Синонинг тиббиёт



соҳасида кўлга киритган ютуқлари, бу борадаги бой мероси, шунингдек, инсонийлик, меҳр-оқибат, энг муҳими, кенг тафаккури билан дунёни лол қолдирганининг ўзи кўп серияли фильм учун тайёр манбаа эмасми? Ёки аллома Ал-Берунийнинг илм-маърифат йўлидаги машаққатли ҳаёти, Ал-Хоразмийнинг буюк кашфиётлари...

Ишонаманки, буюк боболаримиз ҳаёти чуқур ўрганилиб, фильм яратилса, киночиларимиз бугунгидек таниқли кўшиқчиларимиз обрў-эътиборисиз ҳам зўр муваффақият қозонишлари мумкин.

Яқинда Алишер Навоий номидаги кинотеатрда намойиш этилган «Ромео ва Жулиетта ёхуд лаънатланган севи» фильми охиригача кўришга сабрим чидамади. Эҳтимол буюк ёзувчи В.Шекспирнинг дурдона асарини ўқиганим учун шундай бўлгандир. Рол ижрочилари — ёш эстрада хонандаси ва янги актёрлар... Фильмни таҳлил қилишдан йироқман. Менмеч, сценарий қайта ишланиб, асосий қахрамонлар ролига иқтидорли актёрлар тақлиф этилса, эҳтимол яхши фильм яратиларди. Ҳайратланарли томони шундаки, киномиз учун масъул режиссёрлар қачонгача ана шу ҳақиқатдан кўз юмадилар. Ахир биз ёшлар учун сабоқ бўладиган фильмлар қачон яратилади? Қачонгача хориж фильмлари қахрамонларига тақлид қилиб яшаймиз? Ниятимиз — Кумушдек иболи, Раънодек зукко ўз қахрамонларимиз бўлсин.

Муҳайё ЖҲРАЕВА,
талаба

ЗУЛУК БИЛАН ДАВОЛАНГАНМИСИЗ?

боболаримиз бир неча асрлар олдин қўллаб, бугунги кунгача ўз таъсирини йўқотмаган зулуклар билан даволаш усули XXI асрда дунёнинг етук шифокорлари томонидан эътироф этилмоқда. Энг муҳими, интернет хабарларида тарқатилишича, зулуклардан янги дори — «Пиявит» яратилди. Ҳозирги синновдан ўтказилаётган замонавий бу дориини тромбозфлебит, паришонхотирлик, қон босимини туширишда кўллаш мўлжалланмоқда.

«Махзан ал-адвийа» («Даволар хазинаси») китобида қайд этилишича, «Зулукнинг яхши навидан ҳаром қон йиғилган жойга, масалан, ёғли ўсмага, ярага, сепкил, тошма, наштар уриб қон олдириш хавфли бўлган жойларга, чунончи, қовоқ, кўз атрофлари, юзга ёки кичик ёшдаги болаларга қўйилса, бузуқ қонларни осонгина тортиб олади. Бироқ зулук қўйгандан кейин совуқ сув ичмаслик лозим. Яна совуқ ҳаводан сақланиш, аччиқ, шўр нарсаларни ҳам емаслик керак».

Шунингдек, ушбу ноёб асарда ёзиб қолдирилишича, зулукни икки марта қўйилса, масалан биринчи кунни қўйилган жойга иккинчи кунни ҳам қўйилса, ёмон бўлмайди. Чунки, биринчи кундан қолган ҳаром қон қолдиргани иккинчи кун қўйилганда тортиб олади.

ЗАРУР ДАРСЛИК

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда талабалар учун зарур дарсликлар, ўқув қўлланмалари яратиш муҳим аҳамият касб этади. Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институти кафедра мудири, техника фанлари доктори, профессор О.Қудратов ва доцент Т.Ғаниев томонидан ёзилган «Фавқулдда вазиятларда фуқаро муҳофазаси» дарслиги ана шу маънода катта аҳамиятга эга.

Дарсликнинг кириш қисмида юртимиз тарихида рўй берган фавқулдда вазиятлар, уларни таҳлил қилиш асосида ўлкаимизнинг географик шарт-шароитлари ҳақида етарли маълумотга эга бўлиш мумкин. Шу билан бирга, унда табиат ҳодисаларининг моҳияти, кетма-кетлиги, юз бериш вақти, ҳудудини аниқлаш, ундан аҳоли ва объектларни муҳофаза қилиш йўллари кўрсатилади.

Республикамиз ҳудудида содир бўлиши мумкин бўлган фавқулдда вазиятлар, авария ва фалокатларнинг таснифи, бунда фуқаро муҳофазасининг роли, вазифалари ва замонавий концепцияси, Ўзбекистон Республикаси фуқаро муҳофазасининг ҳуқуқий ва ташкилий асослари, куч ва воситалари китобда тўла акс эттирилган.

Бундан ташқари, фавқулдда вазиятларда фуқаро муҳофазасини бошқаришнинг асосий вазифалари, бошқарув пунктлари, фуқаро муҳофазаси штабини тузиш, тадбирлар ўтказиш учун маълумотлар йиғиш, шароитга баҳо бериш, ноҳарбий тузилмаларнинг вазифалари, қутқарув ишларини ташкил қилиш, ўзаро ҳамкорлик масалалари ёритилган.

Маъжус дарсликдан фуқаро муҳофазаси билан шуғулланувчи барча корхоналарнинг мутасадди ходимлари фойдаланишлари мумкин.

Абдусаттор АБДУГАФФАРОВ

Индонезия маданияти ва санъати кўп йиллик таърихга эга. Ана шу кўхна бой меросни ўрганиш ва тадқиқ этишга ўзбекистонлик олимлар ҳам катта қизиқиш билан қарамокдалар.

ЎЗБЕКЧА-ИНДОНЕЗЧА ЛУФАТ

Профессор Н.Номозовнинг бу соҳадаги изланишлари айниқса самарали бўлмоқда. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг етакчи олимиди ҳисобланган мазкур фан соҳибиндонезия тарихи ва маданиятига доир қатор тадқиқотларни амалга оширди. Ушбу мамлакат Президенти Сукарно тўғрисида монографик тадқиқот ҳам юзага келди. Шунинг ҳам айтиш жоизки, ўзбекча-индонезча луфат ҳам профессор Номозов томонидан тузилди. Унда уч минг сўз ва иборанинг луғавий талқини ўз ифодасини топган.


А.АКБАРОВ

С
К
А
Н
В
О
Р
Д

Чарчашни билмас	Самони урганиш маскани	Сайёра	Раённинг ёри	Бир юртлиқ	Маъмурий худуд	Оптик шиша	Табиий фан	Тахмин, чама	Инглиз футболчиси	Агар яхшилик кимга афъолдур, Жазо-си ани ганжи иқболдур. Алишер Навоий			
Харбий унвон						Таомга эҳтиёж							
Мардинсон				Шамолкемаси		Кўришиш	Бил...						
	Украин адиби					Фахрий ном							
Милтиқ ўлчам	Африка давлати					Физик зарра	Ҳиммат						
				...дон				Япония шахри	Ойбек ватани	Авто чироқ	Амалга ошиш		
Гантана		Дунё томони	Мулла				Улуғ зот	Тиши белги				Иш омили, шароит	
Вазият		Гап бўлаги	Билимдон	...тин		Ёриткич		Миллат					
		Астронавт			Гушт	Беморга малҳамдек ҳаёт бағишла, Чорасиз қолганга нажот бағишла. Носир Хисрав				Олмош	Сув жонивори		
	Самолёт	Кўчманчи халқ			Нота						Индамас	Дарахт	
			Юнон ҳарфи								Макка сафари	Неъмат	Дарё
	Халқ қушиги	Авто марка						Рус адиби	Шоҳмод донаси				

Тузувчи Ф.ОРИПОВ

Чой дамлаш ҳам алоҳида кунт ва маҳорат талаб этади. Аввало қуруқ чой шиша идишларда қопқоклари яхши ёпилган ҳолда сақланган бўлиши керак. Қуруқ чой бегона хидларни ўзига тез сингдиради. Шунинг учун ҳам ўткир, ноҳуш хидли нарсаларни чойдан узокрок қўйиш мақсадга мувофиқдир.



қаб олиш шарт. Чойи бор чойнакни оловга қўйиш мумкин эмас. Чой қўйиб таъми ўзгариши ҳамда чойнак иссиқликдан чатнаб-ёрилиб кетиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Шундай олтин қоида бор — чойнакни қайноқ сув олдига олиб борилади, зинҳор акси эмас. Чунки қай-

ЧОЙ ДАМЛАШ ҲАМ САНЪАТ

Қадимда карвонлар Хитойдан Буюк Ипак Йўли орқали чой олиб кетишганда Гуллар водийсидан ўтишар экан. Бундай чойларнинг хиди одамга тез таъсир қилар экан. XVII аср сайёҳларининг ёзишларига қараганда, Пекинда чой дамлаш учун тоғдаги алоҳида булоқлардан сув олиб келишар эканлар. Ҳар сафар чой дамлаганда янги сувдан қайнатиш лозим бўлади. Аввал қайнатилган сувдан яхши чой чиқмайди. Шунингдек, совиган чой устидан дамланган чой яхши таъм бермайди.

Чойни дамлашдан олдин сув меъёрида қайнаган бўлиши керак. Авваллари Хоразм воҳасида чўян қопқоқли идиш-туңгчада сувни қайнатиб-пишириб чой дамлашарди. Шунинг учун ҳам чой қайнадими, демасдан, чой пишдими, дейишарди.

Чойни чинни ёки фаянс идишда дамлаб, устини бостириб қўйиш лозим. Албатта, чойни дамлашдан олдин чойнакни иссиқ сувда чай-


ноқ сувни чойнак олдида олиб боргунча унинг ҳарорати пасайиб, яхши дамлаши хусусиятини йўқотади. Чойнинг мазаси бузилади. Чойнакнинг устига махсус қалпоқ кийгазиб қўйилса, чой тез совиб қолмайди. Авваллари Хоразмда дамланган чойнак устига ота-бобларимиз пўстиннинг этагини ёпиб қўйишарди. Улар бунини чойнак ўз иссиғини ҳавога тарқатмасин, деб қилишган. Бу термодинамика қонунларига мос келади. Шунда чой яхши тиниб, унинг мазаси қайнаган сувга ўтар экан.

Чойга яхши қонган одамнинг кайфияти яхши бўлади. Қон айланиши ва мияга ижобий таъсир кўрсатади.

Уч-тўрт дақиқа усти ёпиқ ҳолда дам берилган қора чой ичган кишига хузур бағишлайди. Кўк-чойни дамлагандан сўнг 5-10 дақиқа, қора ва кўк чойни эса 8-10 дақиқа бостириб қўйиш яхши самара беради.

Ҳасан МАТЕКУБОВ

ЖОМИЙ МАЙМИКИ



Олтин топагини ўргангин хунар, Хунарнинг олдида хасдир олтин-зар.

Илим — хунарларнинг бошидаги тож, Ҳар мушкулга шундан топилиур илож.

Донман деб гар мақтанса ҳар оқил, Илму хунар бекор унга, у — жоҳил.

Камтар бўл, барчани этгил бахраманд, Сенинг ҳам мартабанг бўлажак баланд.

Мевасиз шох бошин кўтаради тик, Мевали шох боши саломга эгик.

Ёдингдами, айт-чи, сен тугилган он, Барча хандон эди, сен эса гирён,

Шуқдай яшагилки, кетар чоғингда, Барча гирён қолсин, сен кетгил хандон.

Мусулмонлик тарқамасдан бурун ва илк ўрта асрда «мир» деган сўз ҳукмдорларга нисбатан «жаноб» маъносидан ишлатилиб, шу мазмунда яқин асрларгача етиб келган. XVI асрга қадар мамлакатдаги юксак билимли, энг ҳурматли кишилар исмига «мир» қўйиш расм бўлганди.

ИЖТИМОЙ ТАБАҚАЛАР ТАРИХИДАН

Бундай кишилар тарихда бармоқ билан саналарли даражада оз бўлиб, улар Мирсайид Барака, Мир Алишер (Навоий), Мир Кулол, Мир Араб кабилардан иборатдир.

Булар ичида Мирсайид Барака Термиз сайидзодаларидан бўлиб, улуғ Соҳибқирон Амир Темурнинг пири ҳисобланарди. Темур ўз васиятида «Менинг бошимни Мирсайид Бараканинг оёқ томонига қўйинглар», деган эди. Мирсайид Барака Соҳибқирондан олдин вафот этиб, Шимолий Афғонистонга дафн этилган эди. Темур вафот этгандан кейин васиятни бажо келтириш учун Шохруҳ ва Улуғбек Темур жасадини Самарқанддаги ҳозирги Гўри Мирга қўйишган. Кейин Мирсайид Бараканинг суякларини Шимолий Афғонистондан олиб келиб, Амир Темурнинг бош тарафига қўмганлар.

Шу сабабдан мақбара Гўри Мир деб аталади. XVI асрдан бошлаб, хўжаларнинг нуфузи гоёт кўтарилганлиги сабабли «Мир» ўзининг ижтимоий моҳиятини бутунлай йўқотиб, оддий фуқарога қўшилиб кетди.

А.АЛИЕВ тайёрлади



РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Давлат мулки қўмитаси томонидан Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ бошланғич баҳоси босқичма-босқич пасайиш механизми бўйича 2006 йил 15 майдан пасайиш синфи ўзгартирилган ҳолда куйидаги давлат улуши қўйилишини маълум қиламиз.

1 синф бўйича, яъни ҳар 5 савдо сессиясида бошланғич баҳосига нисбатан 5 фоизга пасаядиган давлат улуши.

Тошкент шаҳрида жойлашган «Ўздонмахсулот» АКга қарашли «Ширмойпаз» МЧЖнинг 25,0 фоиз давлат улуши.

Бошланғич баҳоси — 13447,3 минг сўм. Пасайган баҳоси — 6051,29 минг сўм.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Имкониятингизни бой берманг. Савдоларда Республика Кўчмас мулк биржаси рўйхатидан ўтган малакали брокерлар объектларни харид қилишингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар.

Кўшимча маълумотлар учун куйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қора-камиш 2/4 массиви, Маҳаммад Уразбоев кўчаси, 1 «А» уй, Республика Кўчмас мулк биржаси.
 Телефонлар: 399 84 48, 399 80 31. Факс: 399 80 26 www.rkmb.uz
 Эслатма: РКМБ тизими марказлашган электрон биржа савдолари жараёнида савдога қўйилган объектга икки ва ундан ортиқ харидор томонидан қизиқиш билдирилган ҳолда савдо аукцион кўринишида давом этиб нархлар эркин шаклланади.

Шухрат Йўлдошев — 1968 йил 22 январда Китоб туманининг Кўмиртепа кишлоғида туғилган. Профессор-исследователь сифатида 1993 йилда биринчи кўшиги чиққан. Унинг санъат оламидаги илк ютуғи Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртлири талабалари ўртасида ўтказилган «Наврўз баҳори» фестивалида иккинчи ўринни эгаллаши (1993 йил) билан бошланди. 1994 йилда «Анор» телефестивалида у шоир Мухаммад Юсуф қаламига мансуб «Эй гул, сени унутдим» кўшигини ижро этган ва мухлислар эътиборини қозонган. Санъаткор «Садо-1999», 2000 йилда эса ватан ҳақида кўшиқлар фестивалида ҳам муваффақиятли қатнашди. Айни пайтда «Йиллар армони», «Гулижон», «Кўзгули қиз», «Бахт», «Наврўз», «Лайли», «Она», «Мени эсла», «Алвидо, мухаббат», «Кўлларингиз ўпсам» каби жозибали кўшиқлари билан элимизга манзур бўлиб келмоқда. Яқинда мухлислар унинг «Бахтлимисан» номли аудио-альбомини илиқ кутиб олишди.

— Аксари кўшиқларингиз юксак инсоний фазилатлар хусусида. Буни ўзингиз қандай изоҳлайсиз?

— Француз ёзувчиси Жан Лабрюйернинг «Бир қарашдаёқ киши ҳақида ҳукм чиқариш ярамайди. Фазилатлар одатда камтарлик пардаси билан ўралган, камчиликлар мунофиқлик ниқобига яширинган бўлади», деган ҳикматли сўзини жуда ёқтираман. Аммо, иккинчи томондан одамнинг қалб манзараси унинг юзида зуҳур топади. Инсон ҳақида бир қарашдаёқ туғилган дастлабки хулоса кўпинча тўғри бўлиб чиқади. Лекин том маънода инсонни билиш учун уни севиш керак. Кимнидир қадрлаш керак бўлса, у ўзингизга ўхшагани учун эмас, балки ҳеч кимга ўхшамаган жиҳатлари бўлгани учун қадрлаш керак. Биз бир-биримизга эътибор билан муносабатда бўлишни ўргансак, ҳаммаси жойига тушади. Ердаги энг дилбар, энг ажойиб хилқат ҳисобланган инсон билан фахрланишни билмас эканмиз, қабиҳлик ва ёлғондан қутула олмаймиз.

Менимча, инсонга кўп нарса керак эмас. Энг муҳими, атрофдаги бошқа одамларсиз биз яшай олмаймиз. Ерда бир киши, масалан, бир ўзим қолсам, қанчалар даҳшатли-а! Ҳаётнинг мазмуни бирдан йўқолади-қолади. Хуллас, инсонийлик, муомала ва коммуникация тараққиётнинг бирламчи шарт.

— Айтингчи, бугунги имкониятларингиз ўзингизни қониқтирадими?

— Мен ҳеч қачон ўзимдан қониқмаганман. Чунки, ютуқлар ва машҳурлик санъаткорни тўйинтириб қўяди. Бу нарса жуда хавфли. Чунки, ютуқлар руҳий осойишталикка етаклай-

ди. Ижод равнақи йўлига кўринмас парда тортади. Саҳнага чиққанда беихтиёр осмонга қараб оламан. Бу бежиз эмас. Эришиб бўлмас даражада туюлган олис самога кўз тикиб, кучга тўламан. Одатда, инсоннинг аниқ, айни пайтда амалга ошиши мумкин бўлган имкониятлари бир қадар чекланган бўла-

ЯХШИ ҚЎШИҚ — ХАЛҚНИКИ

ди. Имконият — юзага чиқмаган воқеъликдир. Ҳар бир муваффақиятсизлик замирида чексиз муваффақият мужассам.

— Яхши кўшиқ халқники, ёмон кўшиқ фақат кўшиқчининг ўзиники бўлиб қолади...

— Тўғри. Яхши кўшиқ элники, чунки бундай дурдона асарлар халқнинг қалбига мустаҳкам ўрнашиб, кейин унинг тилига кўчиб чиқади. Албатта, яхши айтилган кўшиқ хонанда ихтиёридан чиқиб, тингловчи — эл кўшиғига, халқ меросига айланади. Бу — бир мўъжизадир. Ҳар бир истезодли санъаткор ана шундай умрбоқий асарлар яратишни истаиди. Мен ҳам шу иштиёқ билан яшайман.

— Сиз бир суҳбатингизда одатда тушкун кайфиятда юргангизда ижодингиз баракалироқ келишини айтгандингиз...

— Ҳа, ўзимдан кучли бир қониқмаслик ва норозилик кайфияти ўз навбатида нимадир янги нарса яратишга ундаши рост гап. Ижодий фикр туғилади ўзига

сайқал беришни сиздан талаб қилади. Бу жараён баъзан осон, баъзида мушкул кечади. Шу аснода янги ижодий маҳсулот яратилади. Бунинг учун руҳингизда нозик бир туйғу — эҳтиросли илҳом кўзғалиши керак. Менда ҳам ана шундай оний дақиқаларда, баъзан жуда қисқа фурсатда бир яхши кўшиқ яратилган вақтлар бўлади. Бир куни шоир Йўлдош Эшбекнинг китобини ўқиб туриб, бир шеър эътиборимни ўзига жалб этди. Ўша кунлардаги ички руҳий оламин шу шеърда намоён бўлгандай эди, қандайдир дақиқаларда янги кўшиқ туғилди. Чунки шу пайтларда Гулистон шаҳрида ўтказилган республика эстрада кўшиқчилари фестивалида ўзимга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ўрин ололмай қолгандим. Нима учун шундай бўлди, имкониятларим қолган иштирокчилардан юқори эди-ку, деб узоқ ўйладим. Муаммо ташкилий-тех-

ник масалада эди. Аламимни ютиб, қаттиқ хафа бўлиб юргандим. Шунда шоирнинг «Кўзгули қиз» шеъри учради. Мен ана шундай роҳатбахш дамларни кутиб яшайман.

— Сизнинг кўшиқларингиз кўпинча янги йўналишда бўлади. Йўлингизни дабдурустан тушуниб олиш ҳам қийин.

— Замонавий эстраданинг йўналиши кўп. Усуллар ранг-баранглиги — мусиқа санъати бойлиги. Улардан бири рэги услубидир. Юртимизда санъаткорлар ҳозирча бу йўналишга кам мурожаат қилишяпти. Балки ҳамкасбларимизда янгиликни мухлислар қандай қабул қилади, деган истиҳола бордир. Бир пайтлар «Ялла», «Оригинал» каби гуруҳлар бу усулда кўшиқ айтиб чиқишганди. Лекин оммалашиб кетмади. Шу йўналишда шоир Миртемирнинг «Ёна, ёна» кўшигини гитара ва қизлар жўрлигида «Халқлар дўстлиги» саройида ижро қилдим. Бу ерда «Ёшлик оқшоми» гала-концерти ўтказилган эди. Мухлисларнинг

Сиз учун учрашув



тушуниб олиши қийин кечдию, аммо яхши қабул қилишди. Ҳамма соҳада ҳам янгиликни ҳазм бўлиши ўзи ҳаммаша секин кечади. Аввал туғилган ҳаяжон ва иккиликлар кейинчалик хос шинавандалик либосини кияди. Асосий шарт шуки, фақат яхши кўшиқ яратиш керак.

— Сўнги пайтларда тележурналист Нодир Жонузоқ билан яқин ижодий ҳамкорликда ишляяпсиз. Назаринда, тез орада ТВда бирор янги кўрсатувга бошловчилик қилиш режангиз бордай?

— Менинг танишимда Нодирнинг ҳам муносиб хизмати бор. Бир куни ўзимизнинг яқин жўралар билан чойхонада гаплашиб ўтирганимизда Нодир шеър айтиб қолди. Кейин бир қоғозга кичкина-кичкина қилиб менга ёзиб берди. Бу Абдулла Ориповнинг «Йиллар армони» шеъри эди. Аммо анча пайт шеър кўшиққа айланмай «музлаб» ётди. Бироқ шеърни ичимда қайта-қайта айтиб юравердим. Бир куни ярқ этиб куйи кеп қолди. Гитарада айтдим. Уни мутахассислар эшитиб кўришиб, «Эй қойилман, шу гитарада ҳам миллий кўшиқ яратса бўлар экан-ку, а», дейишди. Хуллас, у студияда ёзилиб, халқнинг ҳукмига ҳавола этилди. Кўз тегмасин, ижодий ҳамкорлигимиз бардовом бўлиб бораёпти. Бошловчилик масаласига келсак, бу профессионал журналистларнинг иши. Кўшиқчи кўшигини айтгани маъқул.

Лазиз РАҲМАТОВ
суҳбатлашди

15-21 майгача

МҚНАЖЖИМАР БАШОРАТИ

КҮЙ. Ҳафта давомида ҳеч қандай иш бошланган. Тортишув ва келишмовчиликлардан йироқда бўлинг. Ваҳоланки муаммоларингиз етарли. Дам олиш куни жисмоний меҳнат билан шугулланг.

БУЗОҚ. Ҳар қандай иш бошладан олдин ўзингиз ҳамда яқинларингизнинг хавфсизлигини ўйланг. Ушбу ҳафта меҳнатга бўлган шижоатингиз ҳар қачонгидан юқори бўлади. Катталар билан муносабатда эҳтиёт бўлинг.

ЭГИЗАКЛАР. Бошлаган ишингизни тугатмай кейингисига қўл урманг. Қолган ишга қор ёғар, дейишади. Шартнома ва учрашувларни ҳафтанинг иккинчи ярмига режалаштирганингиз маъқул.

КИСКИЧБАҚА. Ҳафтанинг бошланиши сиз учун зерикарли кечади. Пайшанба ва якшанба кунлари янги иш бошлаш учун қулай фурсат. Дам олиш кунлари яқинларингиз ҳолидан хабар олинг.

АРСЛОН. Душанба куни эътиборсизлик оқибатида моддий зарар кўришингиз мумкин. Иқтисодий муаммоларингизни бартавраф қилинг. Ишда маҳорат кўрсатинг. Чунки ҳамманинг кўзи сизда.

ПАЗИЗОД. Ушбу ҳафта ҳамкорлар сафини кенгайтиринг. Сиз бундан анча фойда кўрасиз. Фақат барчага бирдек ишонманг.

ТАРОЗИ. Муаммолар келиб чиқмаслиги учун ҳатто кўнглисиз учрашувларни ҳам қолдирманг. Анчадан бери кўришмасдан аразлаб юрган дўсту биродарларингиз билан ҳамкорлигингизни тикланг. Акс ҳолда ёлғизланиб қоласиз.

ЧАЁН. Янги ҳафтада уйдигилар ҳамда ишдагилар билан келишмовчиликлар келиб чиқиши мумкин. Аммо асабийлашманг, соғлигингизга эътибор қилинг. Дам олиш кунлари оила аъзоларингиз билан маданий ҳордиқ чиқаринг.

ЎКОТАР. Ҳафта давомида ишдагилар билан ҳамкорлик қилаётганда сиздан эҳтиёткорлик талаб қилинади. Уйдаги муаммоларни ҳам унутманг. Дам олиш куни кутилмаганда моддий рағбат оласиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Янги ғоялар билан фикрингиз банд бўлади. Билимингизни синайдиган давр келди. Дам олиш куни барча қарзларингизни тўланг.

КОВФА. Ушбу ҳафта ҳаётингизда туб ўзгаришлар юз бериши мумкин. Тушкунликка тушманг. Омадли кунлар ҳали олдинда. Ҳафта охирида уй юмушлари билан машғул бўлинг. Чунки барча масъулият сизнинг зиммангизда.

БАЛИҚ. Душанба куни шартнома ва учрашувларни режалаштиришингиз мумкин. Яқинларингиз билан тортишманг. Кўнглингизга яқин кишилар билан ҳамкорликни йўлга қўйинг. Ишингизда дашном эшитмасликка ҳарқат қилинг.

БИР ҲОВУЧ ГАВҲАР

Агар уч киши бўлсанглар, иккиталарингиз алоҳида учинчи шахсга эшитирмай пичирлаб гаплашманглар, чунки бу уни ранжитади. Одамларга аралашиб кетсанглар, унда гаплашсанглар жоиз.

• Ҳамма ишларингизда тўғри бўлинг, одамларга муомалада хулқингиз чиройли бўлсин!

• Одамларга кенг қалбли бўлинглар, шунда одамлар ҳам сизларга шундай бўлулар.

Биласизми?

Йил ўн икки ой бозорларимиздан помидор аримайди. Хўш, помидорни бунчалик кўп истезмол қилишимизнинг сабаби нимада? Помидор сабзавотлар ичида энг хушхўр ва мазалиси бўлиб, инсон саломатлигига ҳам унинг нафи катта. Мутахассисларнинг эътирофи этишларича, помидор таркибида қанд, фруктоза, рафиноза, лимон, олма, шовул, вино кислотаси, ёғлар, витаминлар, каратин, пектин моддалари ва кўплаб фойдали тузлар мавжуд.

Помидор ва унинг шарбати парҳез, хусусан сув-туз алмашинуви бузилиши, юрак-томир касалликлари ва меъда-ичак фаолияти бузилишида жуда фойдали. Меъда ва ўн икки бармоқ ичак ҳамда буйрак тош касалликларидан, организм толиққанда қўлланилади.

Организмда витамин А етишмаганда ҳар куни бир стакандан помидор шарбатини ичиш кони

ПОМИДОР — ФОЙДАЛИ НЕЪМАТ

фойдадир. Агар бу шарбатга озгина петрушка қўшилса, шифобахшлиги янада ортади.

Помидор инфекция тушган яраларни ва жароҳатларни даволашда ҳам қўлланилади. Негаки, унинг таркибида кучли таъсир қилувчи фитонцидлар бўлганидан йирингли жароҳатларда яхши таъсир кўрсатади. Бунинг учун яхши пишган, экологик тоза помидорни эзиб, яллиланган жойга қўйилади.

Шунингдек, янги узилган помидорни эзиб, веналар бўртиб чиққан жойга қўйиб ачишганча ушлаб турилади. Сўнгра суюқ сметана оёқ остидан юқорига қараб суртилади.

Ёгли юз терисига помидор шарбатига 1 қошиқ петрушка суви қўшиб суртилади.



Бош муҳаррир Абдухолик АБДУРАЗЗОҚОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ. Соғувда эркин нархда.

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ISHONCH

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА
УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Матбуот: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Навр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.40

Тиражи: 15164

Буюртма Г— 714